

Расулulloҳга берилган, бошқа ҳеч бир пайғамбарга берилмаган

БЕШ ХИСЛАТ

Учинчи хислат

Душманларнинг қалбларига қўрқув солишлари ва Аллоҳнинг нусратига восил бўлишлари



Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга бошқа ҳеч бир набийга берилмаган беш нарса берилди. Шулардан бири рўб, фатҳ ва нусратдир”, деб марҳамат қилганлар. “Рўб” душманнинг қалбига қўрқув солишдир. “Фатҳ” ва “нусрат” эса Аллоҳ таолонинг ёрдами билан ғалабага эришишдир. Муборак зотнинг исмларини эшитганида динимизга ёвлик қилувчиларнинг қалблари ҳамisha қўрқувдан ларзага келган.

Ҳайбар ғазоти куни тонгда саҳобалар шаҳарга яқин келишганида ғаним қабила одамлари бел ва кетмонларини олиб, ишлагани боғлари, экин майдонларига кетишаётган эди. Расулulloҳнинг отлиқлар билан келаётганларини кўриб, улар бирданига даҳшатга тушишди, хушларидан айрилишди. “Муҳаммад келяпти, Муҳаммад келяпти!” дея қўлларидаги иш қуролларини ташлаб, орқага қочишди ва қалъа ичига кириб, яшириниб олишди.

Бошқа ғазотларда ҳам Расу-

ллоҳни кўрган душманларнинг қалблари қўрқувдан титраб, даҳшатга тушишган. Ухуд жангида кўринишда мушриклар устун келган бўлса-да, моҳият эътибори билан унда ҳам Расулulloҳ (алайҳиссалом) ғалабага эришган эдилар. Хунайн ғазотида ҳам худди шундай ҳолат такрорланган. Шубҳасиз, ғалабага эришиш учун душманнинг қалбига қўрқув солиш керак. Ичига қўрқув оралаган ғаним сафи албатта пароканда бўлади.

Расулulloҳ бундай марҳамат қиладилар: “Менга рўб, фатҳ ва нусрат эҳсон қилинди. Шу даражадаки, узоқлиги бир ойлик йўл бўлган маконда исмим зикр этилса, душманнинг қалбига таъсир этади”.

Расулulloҳнинг муборак исмларини эшитишлари билан мункир ва мунофиқ кишилар қалби титрашга тушиб, хушларини йўқотадилар. Бу мўъжиза бутун инсоният устида ҳамisha жорий. Расулulloҳни севган, динимизга жону дилдан боғланган инсонлар у зотнинг овозларини ёки шарафли исмларини эшитишлари билан қалбларида фараҳ ва шодлик жўш уриб, юзлари ёришади. Душманларнинг қалби эса, қўрқув ва даҳшатдан титрашга тушади.

Бир куни Абу Жаҳл у Муборак зотни кўриб, юраги орқага тортиб кетган ва Расулulloҳ ҳақларида: “Дунёда энг ёмон кўрган кишим”, дейиш билан асл ғазани билдирган. Абу Жаҳлнинг орқасидан кирган Ҳазрати Абу Бакр эса, Расулulloҳни кўриб, кўзёш тўкиб, муҳаббатини изҳор этган. Дарҳақиқат, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсоният учун бир пок кўзгу кабидирлар: яхшилар ўз яхшилигини, ёмонлар ўз ёмонлигини кўради. Аллоҳ таоло Расули Акрамни севганларнинг қалбига муҳаббат туйғусини солгани каби, у зотга душман бўлганларнинг қалбига қўрқув ҳиссини солган. У зотни заҳарли қиличлар билан ўлдиришга чоғланиб, ҳужум қилганлар юзмаюз келганида даҳшатдан титраб, мағлуб бўлган ҳолда орталарига қайтишган. Расулulloҳга қасд этганларни Аллоҳ таоло хор қилган, у зотни қоралаб, масхара ва ёмонлик қилган бадбахтлар ўзлари ёмонлик билан жон берганлар. У зотни севган ва ихлос билан эргашганларни Ҳақ субҳанаҳу ва таоло ҳамisha юксак даражаларга кўтарган.

(Давоми 9-бетда)

МУНДАРИЖА

Ақида

Расулудуллоҳга берилган, бошқа ҳеч бир пайгамбарга берилмаган беш хислат.

Учинчи хислат.

Душманларнинг қалбларига кўрқув солишлари ва Аллоҳнинг нусратига восил бўлишлари.....1

Бугуннинг гапи

Абдурашид қори БАҲРОМОВ

Ислом тинчлик дини.....6

Мулоҳаза

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

Раббоний бўлингиз.....7

Хабарлар

“Саҳиҳи Муслим” рус тилида.....12

Наҳйи мункар

Муҳаммад Солиҳ МУНАЖЖИД

Ҳаром нарсалар. Номаҳрам аёлга қараш.....14

Сўранг, жавоб берамиз

Нега ҳилол танланган?.....15

Маълумотхона

Муҳаббат АЪЗАМОВА

Русияда мусулмонлар.....18

Қадрият

Салимжон СОБИРЖОН ўғли

Қаламдан тўкилган гўзаллик.....22

Шеърят

Муҳаммадхон ҒОЗИЙ

Бул кунни дединг доим, охирни унутдинг.....24

Табиат ва биз

Аллоҳнинг раҳмати.....26

Тарих

Ҳамид ЗИЁЕВ

Ҳазрати Усмон мусҳафи

қаердан келтирилган?.....30

Мактубларда манзаралар

Замзам ҚУРБОНОВ

Имон ва нафс кураши.....32

Тожи Муҳаммад ТЎЛАН ўғли

Қабристонда.....32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

Тафсири

Ваҳба МУСТАФО АЗ-ЗУҲАЙЛИЙ

4

НАСР СУРАСИ

Бу нусрат ва фатҳ Аллоҳнинг улуғ фазли ва марҳамати бўлиб, ёлғиз Унгагина ҳамд айтишни тақозо этади. Аллоҳга тавозуъ қилиб, амалларингизни кам ҳисоблаб ва умматингизга таълим бериб, Ундан мағфират сўранг. Ва яна нусрат кечиккани учун кўрқиб, безовта бўлган мўминларга ҳам мағфират сўранг.

Ҳадис илми

Имоми Аъзам АБУ ҲАНИФА

8

МУСНАД

Абу Мусо (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Расулудуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйланинглари (турмуш қуринглари), мен сизларнинг кўплигингиз билан бошқа умматлар олдида фахрланаман”, дея марҳамат этдилар».

Имомларимиз

Яҳёхон қори ИСМОИЛ ўғли

10

**ҲАҚЛАРНИ АДО ЭТАЙЛИК**

Нафсига қул бўлганлар гуноҳга ботаётганларини билмасмикинлар. Мени одамларнинг катта гуноҳлардан бири — ахлоқсизликка бефарқ бўлишлари ўйлантиради. Ҳозир алдов, адолатсизлик билан бойишга уринувчилар кўп. Бу хатти-ҳаракатлар банди ҳаққига тажовуз-да.

Олисларга саёҳат

16

РУСИЯ ФЕДЕРАТСИЯСИ



Русия сиёсатдонлари, мутафаккирлари, ёзувчилари мамлакатнинг келажаги ва ривожига кўпроқ Ислом динига боғлиқ экани ҳақида ёзмақдалар. Таниқли олим Али Вячеслав Полосин таъкидлайди: «Ислом милёнлаб русияликлар мутлақо ихтиёрий равишда танлаган диндир ва ҳеч бўлмаганда 922 йилдан бери Русия давлат қурилишининг пойдеворларидандир».

Сиҳат-саломатлик йили

19

“ТИББ УН-НАБАВИЙЯ”

Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”ида бундай келган: Саид ибн Жубайр Ибн Аббосдан ривоят қилади. «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):



“Шифо учта нарсадир: асал ичиш, қон олиш ништари, оловда куйдириш. Мен умматимни куйдиришдан қайтараман”, деб айтдилар.

Ижтимоий ҳаёт
Жамшид КАРИМОВ

20

ИСЛОМИЙ БАНК ИСТИҚБОЛЛАРИ



Илк исломий банклар XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган эди. Айни дамда 27 та мусулмон ва 16 та мусулмон бўлмаган мамлакатларда икки юздан ортиқ исломий банк ва молиявий ташкилотлар

фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий сармоя миқдори 200 миллиард АҚШ долларидан ортиқдир.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Абдулазиз МАНСУР

Абдуразоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди.

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04

Раҳбари Ўқтам ҳожи Умурзоқ

Фарғона вилояти — 8.37357.2-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Сурхондарё вилояти — 8.37622.6-05-08

Раҳбари Низомиддин Чориев

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 144-53-36.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2005 йил 29 майда рухсат берилди. Босмаҳонага 2005 йил 2 июнда топширилди. Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 14000 нусха. 133-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Интернет почтаимиз: admin@hidoyat.uz


Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.

Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

*Қўлёмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.*

1. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом), қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса; 2. Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб Аллоҳнинг дини (Исломи)-га қираётганларини кўрсангиз; 3. Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан (У Зотни ҳар қандай “шерик”лардан) покланг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилгучи Зотдир.



Ваҳба Мустафо аз-ЗУҲАЙЛИЙ

НАСР СУРАСИ

Сураинг аввалида “ан-Наср” сўзи иштирок этгани учун “Наср” (Ғалаба) деб номланган. Наср улкан ғалаба, Маккаи мукаррама фатҳидир. Бундан ташқари, сураинг “Тавдий” (Видолашув) деган номи ҳам бор.

Сура ўз ичига олган нарсалар

Мадинада нозил бўлган бу сурада Макканинг фатҳ этилиши, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мушриклар устидан ғалаба қозонишлари, Араб ярим оролида Исломи динимизнинг ёйилиши, ширк ва санамларнинг йўқ бўлиши баён этилган.

Шунингдек, бу сурада Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотлари яқинлашгани ҳақида хабар ва Аллоҳ таолога тасбеҳ, ҳамд ва истиғфор айтишга буюриш ҳам бор.

Сураинг фазилятлари

Термизий Анас ибн Моликдан келтирган ривоятда “Наср ва Залзала суралари Куръоннинг тўртдан бирига тенгдир”, дейилган.

Имом Насайи Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбадан келтиради: «Ибн Аббос менга: “Куръондаги охирги нозил бўлган сура биласанми?” деганларида, мен: “Ҳа, биламан, у “Иза жаа `анасруллоҳи” сурасидир”, дедим. У зот: “Тўғри айтдинг”, дедилар».

Нозил бўлиш сабаблари

Имом Бухорий ва бошқалар Ибн Аббосдан ривоят қилишади, Ибн Аббос айтдилар: “Умар ибн Хаттоб мени Бадрда иштирок этган катта ёшли кишилар билан бирга (ҳузурларига) киритар эдилар. Бундан уларнинг баъзилари таажжубланишар эди. Кунларнинг бирида уларни ҳузурларига чақиртириб, мени ҳам улар билан бирга киритдилар. Буни фақат (кичик бўлсам ҳам) қандай эканимни кўрсатиш учун қилганлар, деб ўйладим. У кунни Умар ибн Хаттоб: “Иза жаа `анасруллоҳи вал-фатху” сураси ҳақида нима дейсизлар?” деб улардан сўрадилар. Улардан баъзилари: “Агар ғала-

ба қозониб, бизга зафар берилса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишимизни буюрган”, дейишди. Баъзилари ҳеч нарса дейишмади. Умар ибн Хаттоб мендан сўради: “Эй Ибн Аббос, сен ҳам шундай дейсанми?” Мен: “Йўқ”, дедим. У зот: “Унда нима дейсан?” дедилар. Мен: “У Расулуллоҳнинг ажалларидир. Аллоҳ таоло у Зотга билдирган”, дедим. Яъни, “Қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса, мана шу ажалингиз аломатидир. Парвардигорингизга ҳамд айтинг ва Ундан мағфират сўранг. Зеро, У тавбаларни қабул қилгучи Зотдир”. Ҳазрати Умар: “Мен ҳам сен айтган нарсанигина биламан холос”, дедилар».

Тафсири ва баён

“Қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса...”

Яъни, эй Муҳаммад (алайҳиссалом), қачон сизга Аллоҳнинг ёрдами, нусрати ва мадади бўлиб, Макка фатҳ этилса ва ғалабага эришиб зафар топсангиз, Аллоҳ азза ва жаллага ибодатни зиёда қилиб ҳамд айтинг, неъматларини янада мўл қилиши учун сано айтишни кўпайтиринг.

Имом Аҳмад, Байҳақий ва Насайилар Ибн Аббосдан қилишган ривоятда келтирилишича, “Иза жаа `анасруллоҳи” нозил бўлганида, Расулуллоҳ: “Менинг умрим (тез кунларда) тугаши ҳақида хабар берилмоқда. Мана шу йил жоним узилади” деганлар”.

Ибн Можадан бошқа барча муҳаддислар Ибн Аббосдан бундай ривоят қилишган: “Фатҳдан кейин ҳижрат йўқдир. Лекин жиҳод ва ният боқий қолур”.

Имом Бухорий ва Муслим “Саҳиҳ” китобларида Ибн Аббосдан қилишган ривоятда, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) фатҳ куни: “(Макка) фатҳ этилганидан кейин ҳижрат йўқ. Лекин жиҳод ва ният бор. Агар урушга сафарбар қилинсангиз, унда иштирок этинг”, деб айтганлар.

“Ва одамлар тўп-тўп бўлишиб, Аллоҳнинг дини (Исломи)га қираётганларини кўрсангиз...”

Яъни, “Аллоҳ таоло сиз орқали юборган динга араб ва бошқалар жамоат-жамоат бўлиб кири-

шаётганини кўрсангиз”. Рисолатнинг илк даврида кишилар битта-битта ёки иккита-иккита бўлиб Ислом динига киришар эди. Бора-бора қабилалар ёппасига Исломни қабул қиладиган бўлди.

“Дарҳол Парвардигоригизга ҳамд айтиш билан (У зотни ҳар қандай шериклардан) покланг ва У Зотдан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул қилувчи Зотдир”.

Яъни, агар Макка фатҳ этилиб, Ислом дини ёйилса, намоз ўқиб ва Аллоҳни барча нолийқ нарсалардан поклаб, Унинг сизга берган неъматларига шукр қилинг. Зеро, сизга берилган бу нусрат ва фатҳ Аллоҳнинг улуғ фазили ва марҳамати бўлиб, ёлғиз Унгагина ҳамд айтишни тақозо этади.

Ва яна Аллоҳга тавозуъ қилиб, амалларингизни кам ҳисоблаб ва умматингизга таълим бериб, Ундан мағфират сўранг. Ва яна нусрат кечикиб кетгани учун кўрқиб, безовта бўлган мўминларга ҳам мағфират сўранг. Аллоҳ таоло бандаларнинг тавба ва илтижоларини қабул айлаб, раҳм қилиши Унинг марҳаматидандир.

Сурадан ўрганганларимиз

Сура куйидаги нарсаларга далолат қилади:

1. Аллоҳ берган ҳар бир неъмат учун Аллоҳга шукр, ҳамд ва сано айтиш вожиб бўлади. Набийга (алайҳиссалом) ва у зотнинг умматларига Аллоҳ берган энг катта неъматлардан бири — душманлар устидан нусрат ва ғалаба, мусулмонлар қибласи (Каъба ёки Байтулҳаром), араб ва Ислом пойтахти бўлган Макканинг фатҳ этилишидир.

Аллоҳ таоло бу улуғ неъматга — Макка фатҳига бошқа катта бир неъматни қўшиб бердики, у ҳам бўлса, араб ва бошқаларнинг Ислом динига тўп-тўп бўлиб киришларидир. Бу нарса Макка фатҳ этилганида содир бўлди.

Араблар: “Агар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳарам аҳли устидан ғалаба қозонса, сизларнинг унга кучингиз етмайди. Зеро, Аллоҳ Ҳарам аҳлини фил соҳиблари (Абраҳа қўшинлари)дан омон сақлаган эди”, деб айтишар эди. Сўнг улар тўп-тўп, қабила-қабила бўлиб Исломни қабул қила бошлашди.

2. Аллоҳ таоло бу сурани кўп намоз ўқиб, тасбеҳ айтиб, барча лойиқ ва жоиз бўлмаган нарсалардан Ўзини поклаш, зафар ва фатҳлар бўлганида Унга ҳамд айтиш, зикрда давомли бўлиб, мағфират сўрашни буюриш ила тугатган. Аллоҳ таоло тасбеҳ ва истиғфор айтувчи бандаларнинг тавбаларини қабул этувчи ва раҳмли Зотдир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маъсум (гуноҳлардан йироқ) бўлишларига қарамай, истиғфор айтишга буюрилмоқдаларми, умматларига бу нарса қай даражада зарур экани ўз-ўзидан аён.

Имом Муслим Ойиша онамиздан қилган ри-

воятида: «Расулulloҳ (алайҳиссалом): “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атубу илайҳ”, деб кўп айттардилар. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атубу илайҳ”, деб кўп айтаётганингизни кўряпман”, десам, у зот: “Раббим менга тез кунда умматимда аломат кўришимнинг хабарини берди. Агар ўша аломатни кўрсам, “Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, астағфируллоҳа ва атубу илайҳ”, деб айтишни кўпайтирдим. Ҳақиқатда мен буни Наср сурасида кўрдим. У Макканинг фатҳ этилиши ва одамларнинг тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг динига киришларидир”, деб айтдилар», дейилади.

3. Аллоҳ ҳузурдаги дин Исломдир. Бу ҳақда Ол-и Имрон сурасининг 19-оятда: **“Албатта, Аллоҳ наздидаги (мақбул бўладиган) дин Ислом динидир”** ва яна шу суранинг 85-оятда: **“Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас, (унинг дини Аллоҳ ҳузурда) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир”**, деб марҳамат қилинган.

4. Фуқаҳолар ҳаммаси ва аксар калом аҳллари: “Албатта, тақлидчининг имони саҳиҳдир, чунки Аллоҳ таоло ўша тўп-тўп бўлиб Исломни қабул этувчиларнинг имонлари саҳиҳ эканига ҳукм қилиб, Муҳаммадга (алайҳиссалом) бу воқеани энг катта неъматларидан бири қилди. Агар ўша тўп-тўп кишиларнинг имони саҳиҳ бўлмаганида, бу ўринда уни зикр қилинмас эди”, дейишган.

5. Аллоҳ таоло аввал тасбеҳ, кейин ҳамд, сўнгра истиғфор айтишга буюрди. Зеро, истиғфор нафсга оиддир. Тасбеҳ ва ҳамд айтиш Холиқ олдидаги банда вазифасидир. Тасбеҳ (айб-нуқсонлардан поклаб айтиш) ҳамма нарсдан олдинга қўйилди. Зеро, Аллоҳ ғалабани, ҳақни бир неча йилга кечиктиришидан муқаддас ва покдир.

6. Оят тасбеҳ ва ҳамд айтишнинг фазилатли эканига далолат қилади.

7. Саҳобалар бу сура Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлимлари хабарини берувчи эканига иттифоқ қилишди. Бу сура нозил бўлганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хутба айтиб: “Албатта, бандага Аллоҳ дунё билан охиратга йўлиқиш орасида ихтиёр берди. Банда Аллоҳга йўлиқишни ихтиёр қилди”, деганлари ривоят қилинади.

Ҳақиқатда шундай эканини (одамлар) билишди. Чунки тасбеҳ, ҳамд ва истиғфор айтишга буюрилгани даъватни етказиш вазифаси тамом бўлганига далилдир. Бу нарса ўлимни тақозо қилади. Зеро, даъват вазифаси бажарилганидан сўнг яшаш рисолатдан айрилиш демакдир. Бу ҳол эса мумкин эмас. Истиғфор айтишни буюриш ажал яқинлашиб қолганидан огоҳ этишдир.

Анвар АҲМАД
таржимаси

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Алҳамдулиллаҳ, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ жамиятда даҳрийлик тарғиботи барҳам топди. Аллоҳга шукр, бугун барча исломий қадриятлар — масжид ва мадрасалар, осори атиқалар мусулмонларга қайтариб берилди. Ҳозирги кунда Ватанимизда икки мингга яқин масжид фаолият кўрсатиб турибди. Мамлакатимиз мусулмонларининг эмин-эркин ибодат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Президентимизнинг: “Ислом дини ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга

мизни ҳам ларзага солди. Кўнгилларимизга изтироб, чеҳраларимизга маъюслик келтирди. Бир тўда ғаламисларнинг содир этган жиноятлари бизларни ҳам бепарқ қолдирмади. Уша онги заҳарланган кимсалар, бир қанча бегуноҳ кишиларнинг ҳаётдан эрта кўз юмишларга



ИСЛОМ ТИНЧЛИК ДИНИ

амал қиладилар”, деган сўзлари қадрлидир. Дарҳақиқат, Ислом динимиз эзгулик ва яхшиликка ундовчи мукамал диндир.

Азизлар, исломий ақидага тўғри амал қилиб яшаган инсон мансаб, моддий манфаатни кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг розилиги йўлида, жамият бахт-саодати учун сидқидилдан меҳнат қилмоғи лозим. Бундай тушунча ҳар бир эзгу ниятли кишининг олий мақсади бўлиши керак. Бутун дунёда тинчлик ва осойишталикнинг қарор топишида барча соф ниятли, тинчликсевар халқлар ҳисса қўшмоқлари даркор.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси мамлакатимизда яшовчи барча инсонларни бирлашган ҳолда тинчлик йўлини тутишга чақиради, айниқса, мусулмонлар тинчликни ҳимоя қилиш ишида собитқадам бўлишлари зарур. Динимизнинг номи Ислом эканини унутмайлик. Араб тилидаги “салм”, “силм”, “салом” ва “ислом” сўзлари бир ўзакдан чиққан турли маънодаги сўзлар бўлса-да, айнан бир мақсадга йўналтирилгандир. Шунга биноан, мусулмон сўзининг маъноси ҳам Аллоҳга итоатли, ўзгаларга фақат яхшилик истовчи, дилозорликдан йироқ деган маъноларни ифодалайди.

Муҳтарам Президентимиз катта минбарлардан туриб, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам тинчликнинг чинакам маънода улуғ неъмат экани ҳақида гапирганлар. Дин аҳлига кўрсатилган ғамхўрликлар, шу мақсадда ҳукуватимиз қабул қилган қарорлар диний идорамиз нуфузини ошириб, янада яхшироқ фаолият юритиш имкониятини очмоқда.

Шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар бутун Ватанимиз жамоатчилигини, шу қатори бизнинг қалбларини

рига сабабчи бўлдилар. Уларнинг ота-оналари ва яқинларининг қайғуси — диёримиз халқининг ва ҳар бир имонли кишининг қайғусидир.

Эришган ютуқларимизни, бунёдкорлик ишларимизни барбод этишга, олға юришимизга тўсиқ бўлишга уринаётган бир тўда ғаламислар нафратга лойиқдир.

Ақидада адашиш, аҳли сунна вал жамоа эътиқодидан четга чиқиш кишини ҳамиша аянчли оқибатларга дучор этади. Афсуски, замонамизда пайдо бўлган янги тоифаларнинг барчаси бузуқ эътиқодларда бўлиб, одамларни жин ургандай адаштирдилар. Олимларга эргашдик, энди ҳақ йўлни топдик, деб ўйлаган бечоралар, буларга эргашиб бориб, бошларини тошларга уриб, жувонмарг бўлдилар.

Бугунги кунда уламо ва имом-хатибларимиз радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ва газит-журналларда, шунингдек, барча жомеъ масжидларида “Ўз уйингни ўзинг асра”, “Огоҳлик давр талаби”, “Ислом террорни қоралайди”, “Террор Исломга ёт” каби қатор мавзуларда чиқишлар қилиб, мўмин-мусулмонларга муқаддас Ислом динимизнинг асл ғоя, мақсад-моҳиятини баён қилиб беришмоқда.

Биз Яратган Парвардигордан Ватанимизни тинч-омон, ҳаётимизни мазмунли этиб, ёвузларни биздан узоқ қилишини тилаймиз.

Аллоҳ таоло бутун олам тинчликсевар халқларига яхши турмуш, тинчлик-хотиржамлик ва бахт-саодат ато айласин. Омин...

Абдурашид қори БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

РАББОНИЙ БЎЛИНГИЗ

Нега бугун мактабда устоз қадри, ҳурмат-эътибори ва унга шогирдлари муносабатидан кўнгили тўлмайди?..

Мактаб муҳитини кўп йиллардан буён кузатиб келган муаллима сифатида ўқув даргоҳида эркак муаллимларнинг ўрни беқиёс эканини англадим. Бугун мактаб муаллимларининг катта қисмини аёллар ташкил этади. Қизларга сингдирилладиган назокат, ҳаё, мулойимлик кабиларни эркаклар урдалай олишмаганидек, муаллималар ҳам йигитларда матонат, ор-номус, қатъийлик, ирода каби фазилатларни шакллантиришда қийналадилар. Эркакшо да аёл “тарбиячи”лар эса ўқувчилар хулқ-атворига фақат салбий таъсир кўрсатишади.

Тарихда қизлар отинойи, йигитлар эса мулла қўлида алоҳида мактабларда ўқитилгани бежиз эмас. Бундан ўн йиллар аввал бизнинг мактабда ҳам математика ва адабиёт фанлари чуқур ўргатиладиган синфлар ташкил этилган эди. Математика синфига ўғил болалар, адабиёт синфига қизлар йиғилди. Ҳар икки синфга бир вақтда раҳбарлик қилдим. Шунда қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўлганман. Дарсларни ўзлаштириш даражаси унчалик фарқ қилмас, болалар синфига бир сўз, бир буйруқ етарли бўлар, қизлар билан эса кўпроқ шуғулланишга тўғри келар эди. Ҳар иккала синф ҳам намунали синф бўлди. Ўғил болаларда вазминлик, қизларда назокат бўртиб кўзга ташланар эди. Демак, ўғил ва қиз болаларни ажратиш ўқитиш яхши самара берар экан.

Бунинг имконияти бўлмаса, мактабда эркак ўқитувчиларни кўпайтириш керак. Аммо...

Айни кунда ҳеч бўлмаса аёл муаллималар чуқур билими, педагогик маҳорати, дунёқарашининг кенглиги, мазмунли дарси билан ўқувчилар меҳрини қозона олсалар эди. Ўқувчиларида ўзига меҳр, ҳурмат уйғота олмаган ўқитувчининг дарслари камтаъсир, изсиз бўлади. Ўқитувчи давра суҳбати, баҳс-мунозара савол-жавоб каби турли жонли усуллардан фойдаланиб дарс ўтса, ўқувчи унинг ҳузурига ошиқиб келади. Устозидан, дейлик, бир янги шеър тинглаган ўқувчи эртасига устозига ўн янги шеър айтиб берсам дейди. Ўқувчилар ибратли, изланувчан ўқитувчигагина эргашадилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз! Хушхабар айтингиз, (қизиқтирингиз) нафратлантирмангиз”, деб марҳамат қилганлар! Буни аввало устозлар ўртак олиши лозим бўлган амр деб биламан.

Таълим-тарбия ўқитувчининг ўзини тутиши, хатти-ҳаракати, кийинишидан бошланади. Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан ўқитувчиларга ҳам махсус либос жорий қилинди. Бу иш яхши деб ўйлайман. Номақбул кийиниши билан ўқувчиларига “ўртак бўлаётган” муаллималар оз дейсизми? Енгиз қўйлак, тор шим, баданни кўрсатиб турувчи ҳарир либос кийиб дарсга кирган муаллимадан ўқувчи қандай сабоқ олиши мумкин? Ёхуд бармоқларига қимматбаҳо узуклар

таққан муаллима ўқувчисини аввало нимага қизиқтиради?..

Ҳеч кимга сир эмас, ҳатто мактабларда ҳам репетиторлар кўпайиб қолишди. Қизиғи, улар ҳам шу мактабнинг ўқитувчилари. Фақат дарс пайтида юқтирилмаган сабоқни дарсдан кейин, пуллик машғулотда ўргатиш учун куйиб-пишишади. Кимдир улардан рози, кимдир... Агар ўқитувчи дарсини виждонан ўтса, фан сирларини эринмай ўргатса, бундай репетитор — пухталовчиларга эҳтиёж қолмасди. Яна бундайлар дарсдан кейин қолиб сабоқ олган ўқувчига юқори баҳолар кўйиб, бунга имкони йўқ болаларга дарс пайтида ҳам эътибор бермай, билимини паст баҳолашади. Бу ишлари инсофга, ҳалолликка хилоф эмасми?

Қуръони каримда: “**Аллоҳ сизлардан имон келтирганларни ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур. Аллоҳ таоло қилаётган ишларингиздан Хабардордир**” (*Муҷодала, 11*), дейилган.

Буни унутмасак, иншааллоҳ, мартабамиз баланд, ризқимиз бутун бўлади. Заҳматкаш ҳамкасблар, сизга дил розим шуки, барчамиз раббоний бўлайлик. Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) Аллоҳ таолонинг: “Раббоний бўлингиз!” деган амрини “Ҳалим ва фақих бўлингиз”, деб тафсир қилганлар. Имом Бухорий эса: “Раббоний” дегани одамларни катта илмлардан аввал кичик илмлар билан тарбиялаган кишидир”, деб таъкидлаганлар.

Мен ўқув даргоҳларига ҳеч бир тамасиз бориб, ёш қалбларга илм ва одоб нурини сингдираётган устозларни раббоний кишилар деб биламан.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи,
олий тоифали муаллима, халқ таълими аълоҳиси, Юнусобод туманидаги 274-мактаб

¹Имом Бухорий. “Ҳадис”, 1-жилд, “Қомуслар бош таҳририяти”, 1991 й., 12-боб, 12-бет.



Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА

МУСНАД

Никоҳ китоби

Икки юз элик тўққизинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Зиёддан, у Абдуллоҳ ибн Ҳарсдан, у Абу Мусодан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Мусо (розийаллоҳу анҳу) дедилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уйланинлар (турмуш қуринлар), мен сизларнинг кўплигингиз билан бошқа умматлар олдида фахрланаман”, дея марҳамат этдилар».

Изоҳ: Талха ҳадисни қуйидаги лафз билан ривоят қилган: «Уйланинлар, кўпайинлар, чунки мен Қиёмат кунида бошқа умматлар олдида сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман».

Абу Довуд, Насай ва Ибн Ҳиббон Мавқал ибн Ясорнинг ҳадисидан келтиришган¹.

«Суюкли ва кўп тугадиган аёлларга уйланинлар. Чунки мен сизларнинг кўп эканингиз билан фахрланаман» ҳадисини Абу Довуд ва Насай ривоят қилишган².

Икки юз олтмишинчи ҳадис

Абу Ҳанифа Абдуллоҳ ибн Динордан, у Ибн Умардан ривоят қилади. Ибн Умар айтди: «Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ёш (бокира, дурқун – Тарж.) қизларга уйланинлар. Зеро, улар серпушт, оғизларининг ҳиди ёқимли, ахлоқлари гўзалдир”, дея марҳамат этдилар».

Изоҳ: Абу Наим ва Ибн Сунний ҳадисни Ибн Умардан ривоят қилишган. Ибн Можжа, Байҳақий ва Ибн Ҳиббон ҳадисни келтиришган³. Ҳадисни Ибн Можжа мурсал, Байҳақий муттасил тарзда ривоят қилган⁴.

Икки юз олтмиш бешинчи ҳадис

Абу Ҳанифа Шайбондан, у Яҳёдан, у Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Ҳурайра айтди: «Расулуллоҳ қизларидан бирини турмушга чиқармоқчи бўлсалар: “Фалон эркак фалон қизни эслапти”, дер эдилар, сўнгра уни узатар эдилар».

Бошқа бир ривоятда Абу Ҳурайра айтди: «Набийнинг қизларидан бирига кимдир уйланоқчи бўлса (бирова қизларининг қўлини сўраб

келса. – Тарж.), ул зот ўша қизларининг хонасига келар, «Фалон киши фалон қизни эсга оляпти», дер эдилар. Кейин ўша қизларини турмушга берар эдилар».

Яна бир ривоят қуйидагича: «Қизларидан бирига совчи келганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг хонасига борар, «Фалон киши фалон қизни эсламоқда», дер, кейин кетар эдилар ва никоҳ ўқирдилар».

Икки юз олтмиш еттинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Шайбон ибн Абдурахмондан, у Яҳё ибн Абу Касир-Муҳожир ибн Икримадан, у Абу Ҳурайрадан ривоят қилади. Абу Ҳурайра айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бокира қиз фақат рухсати (розилиги. – Тарж.) олинганидан кейин турмушга берилади. Бокиранинг розилиги жим туришидир. Тул хотин фақат оғзаки изни олинганидан сўнг турмушга берилади», деб марҳамат қилдилар».

Бошқа бир ривоятда айтилади: «Бокира қиз фақат изни (рухсати) олинганидан кейин турмушга берилади. Бокиранинг изни жим туриши (сукут сақлаши)дир. Тул хотин эса унинг оғзаки изни олинганидан сўнг узатилади».

Яна бир ривоятда: «Бокира рухсати олинмагунча никоҳланмайди. Жим турса, рухсат (рози. – Тарж.), демақдир. Тул аёл эса ундан оғзаки изн олинмагунча никоҳланмайди», дейилади.

Икки юз олтмиш тўққизинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Атиййа Уъфийдан, у Абу Саид Худрийдан ривоят қилади. Абу Саид Худрий айтди: «Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аёл аммаси ва холасининг устига никоҳланмайди (амма ёки хола жияни билан бир кишининг никоҳида бўлмайди)”, дедилар».

Изоҳ: Абу Довуд, Термизий ва Насай ривоят қилишган. Термизий бу ҳадисни саҳиҳ-ҳасандир деган. Ибн Ҳиббон ҳам ҳадисни саҳиҳ деган ва унга қуйидагича қўшимча қилган: «Амма эркак қардошининг (ака-уканинг. – Тарж.) қизи устига, хола эса қиз қардошининг (синглисининг. – Тарж.) устига никоҳланмайди». Буни Имом Муслим ривоят қилган.

¹ Уқудбул-жавоҳир», 1-105.

² «Ал-мунтақо», 2-495.

³ Уқудбул-жавоҳир», 1-106.

⁴ «Зужажатул-масабих», 2-382.

Учинчи хислат*

Душманлар қалбига кўрқув солишлари ва Аллоҳ нусратига восил бўлишлари



Атиййанинг ҳадисини Ал-Хулъий «Фавоид» асарига келтирган. Имом Муслим Абу Хурайрадан ривоят қилган. Имом Бухорий Жобир ва Абу Хурайрадан ривоят қилган⁵.

«Кутуби ситта» соҳиблари ривоят қилишади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлнинг аммаси ё холаси устига никоҳланишини тақиқладилар»⁶.

Икки юз етмиш биринчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Зухрийдан, у Анасдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Анас (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мутъа никоҳини ман этдилар».

Изоҳ: Ҳар хил санадлар билан етти ривоят бор. Имом Бухорий ва Имом Муслим Ибн Масъуддан ривоят қилишган. Бу ривоятлар мутъа никоҳининг ҳаром бўлганига далолат қилади. Даставвал мутъа мубоҳ эди. Кейин саҳобаларнинг ижмоси билан насх қилинди. Бу Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадларнинг сўзларидир. Муваққат никоҳ ҳам мутъа никоҳи каби ҳаромдир⁷.

Субра: «Мутъа никоҳидан қайтардилар», деганини Имом Муслим ривоят қилган. Имом Бухорий Алидан ривоят қилган. Бу ҳадис саҳиҳдир⁸.

Икки юз етмиш иккинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Нофеъдан, у Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳайбар куни мутъа никоҳини ман қилдилар».

Икки юз саксон тўртинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳакамдан, у Қосимдан, у Шурайҳдан, у Ҳазрати Алидан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Насабдан кимлар ҳаром бўлса, сўт эмишдан ҳам (шундай) ҳаром бўлади. Бу эмиш хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин”, дедилар».

Абдуллоҳ МУРОД
таржимаси

⁵«Уқудбул-жавоҳир», 1-107,108.

⁶«Ал-мунтақо», 2-528.

⁷«Уқудбул-жавоҳир», 1-110.

⁸«Файзул қодир», 6-321.

Расулуллоҳни илк бор кўрган бир бадавий кўрқувдан титраганида, у муборак зот: “Кўрқма, мен Жаббор эмасман, қотган нон еган бир аёлнинг ўғлиман”, дея марҳамат қилганлар. Бадавийнинг кўрқиши Расулуллоҳдаги буюклик қаршисида қалбларда зухур этадиган туйғу таъсирдан эди. Мўминлар севги ва муҳаббат билан ҳаёт топар экан, Ҳақнинг мункир душманлари у муборак зотни ёмонлаш, тухмат қилиш ва кўрқув билан қалбларини хасталикка топширадилар.

Тарихдан маълум, Ҳазрати Мусо, Ҳазрати Довуд ва Ҳазрати Сулаймон (алайҳимуссалом) қабилар кучли нуфузга эга бўлган расуллар жумласидандир. Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса, пайғамбарлар тарихида энг қудратли расул бўлиб, қавмлари севиб итоат этган зотлар ичида энг олий мақомдадилар.

Видо ҳажи кунидан бир юз йигирма минг саҳобий Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овозлари-

ни бутун қалблари билан тинглашган. Мункирлар эса Расулуллоҳга дуч келганида кўрқувдан титрашган, бўйин эгишга мажбур қолишган. Аллоҳнинг ёрдами (нусрати) билан Расулуллоҳ ҳамшиша душманлар устидан ғолиб келганлар. Ана шу кўрқув ва нусрат Аллоҳ таоло у зотга кўрсатган буюк лутфлардан саналади. Муборак курақларидаги нубувват муҳрида ҳам шу нарса маълум қилинган ва қай томонга юз бурсалар, ғалабага эришишлари нубувват муҳри ила билдирилгандир.

“Ё Муҳаммад, Сизга муждалар бўлсин, ҳеч ким Сиз етган мартабага ета олмас. Сиз жасурсиз, нусрат қалити Сизга берилган. Қаён юз бурсангиз, у ерда барҳақ зафарга эришасиз”, деб ёзган эди машҳур шоирлардан бири.

Бошқа бир шоир бундай лутф этган:

“Кимса асло етмади, етмоқ мумкин эмас Сизга”.

Дарҳақиқат, яратилмишлар ичида тенги бўлмаган Расули Акрамининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мартабаларига ҳеч ким ета олмаган ва ета олмайди ҳам. Аллоҳ таоло у муборак зотни ҳабибим дея севди ва улуг нусрат берди.

Муҳаммад ЗАРИФ
тайёрлади

*Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Домла, ҳар бир киши ҳаётда адашмаслиги, турмуши гўзал бўлиши учун банда ҳақларини, яъни, инсоний бурчларини билиши, уни адо этиши керак...

— Бутун борлиқни яратган Аллоҳ таолога беҳад ҳамд ва шукрлар, инсу жинларга раҳмат бўлиб келган Муҳаммад Мустафога (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тугал дуруд ва саловотлар, дуои саломлар бўлсин. Инсон аввало зиммасидаги Аллоҳ ҳақларини адо қилиши шарт. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мар-



Яҳёхон қори Исмоил ўғли 1939 йили туғилган. Дастлабки таълимни отаси, ҳофизи Куръон Исмоил қори уста Усмон ўғлидан олди. 1968 йили Бухородаги Мир Араб мадрасасини битириб, Жалолобод вилоятида ишлади. 1974 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент Исломотий маъҳадини битирди. Шундан сўнг пойтахтимизнинг «Имом Термизий» жомеъ масжидида йигирма беш йил имом-хатиблик қилди. 2002 йилдан буён «Искандархўжа» жомеъ масжидининг имом-хатиби.

ҲАҚЛАРНИ ГЎЗАЛ ТАРЗДА

Тошкент шаҳар «Искандархўжа» жомеъ масжиди имом-хатиби

ҳамат қилади: **“Аллоҳга ибодат қилинлар ва унга ҳеч нарсани шерик қилманлар”** (Нусо, 36).

Демак, ҳар бир одам, ким бўлишидан қатъи назар, Яратувчисини таниб, унга бандалик қилиши унинг биринчи ва бирламчи бурчидир. Аллоҳ розилигига эришиш йўлидаги холис ибодат жисмоний ва молиявий бўлади. Беш вақт намозни адо қилиш жисмоний ибодат бўлса, закот, фитр садақаси кабилар молиявий ибодатлардир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини адо этинлар”**, деб айтганлар. Шубҳасиз, Аллоҳга ибодат Аллоҳнинг зоти ва сифатларини аниқ билиш, Ўзи буюрганидек ибодат қилиш, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик билан мукамал бўлади.

— **Инсоннинг жамият олдида ҳам масъулияти, вазифалари бор. Гоҳида ушбу ҳақларга беписандлик ёки уларни унутиб қўйиш ҳолларини кузатамиз. Шу ҳақда тўхталсангиз...**

— Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош кўшни ва бегона кўшницага, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва**

кўл остингиздаги кулларингизга яхшилик қилингангиз” (Нусо, 37).

Мана шу ояти каримада кишилар олдидаги бурчларимиз очиқ баён қилинган. Бу муҳим ҳақдорнинг иккинчиси — Аллоҳ ҳаққидан кейин эслатилгани — ота-она ҳаққидир. Ҳар бир фарзанднинг дунёга келишига сабабчи бўладиган ота-она олдидаги бурчи уларга муомалани яхшилаш, ҳурматларини жойига қўйиш, бир иш буюрсалар, уни бекаму кўст бажариш билан адо этилади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-оналарнинг ҳурматларини жойига қўйиш, уларни рози қилиш, вафотларидан кейин ҳам ҳақларига дуо ва мағфират сўраш, васиятлари бўлса, шариат буюрганидек адо этиш, қарзларини тўлаш, қариндошлари билан силаи раҳми узмаслик ва дўстларини йўқлаб туришга буюрганлар. Ота-онанинг туғишганлари — амаки ва амма, тоға ва холалар ҳолидан хабар олиб туриш қариндошлик ҳаққига киради.

Аллоҳ таоло етимнинг ҳаққини алоҳида таъкидлаган. Оиладами ё қариндошлар хонадонидами ёхуд бошқа жойдами, ким етимни тарбия қилса, едириб-ичирса, кийдирса,

кўп шарафли иш қилган бўлади. Зеро, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ким етимни тарбияласа, жаннатда мен билан ёнма-ён бўлади”**, деб хушxabар берганлар.

Ҳақдорнинг яна бири мискин, бева-бечора, фақир кишилар ҳаққидир. Бир кунлик егулиги бор киши мискин, закот беришга қодир бўлмаган инсон фақир саналади. Кўмак бериш, эҳсон ва садақалар қилиш билан бу ҳаққимизни адо этсак, уларнинг кўнглини олган, жамиятда барқарорлик, меҳр-муҳаббат кучайишига ҳисса қўшган бўлаемиз.

Ҳар биримизнинг зиммамизда кўшничилик ҳаққи ҳам бор. Бизда қариндош кўшнининг уч, мусулмон кўшнининг икки, эътиқоди, миллатидан қатъи назар, бегона кўшнининг бир ҳаққи бўлади, яхшилик қилиш билан бу ҳақлар адо этилади, деб уқтиради солиҳ салафларимиз.

Кўшнилари ҳаққини адо этиш уларга хурсандчилик етганида табриклаш, бошига мусибат тушса, ғамига ҳамдлард бўлиш, ёрдамга муҳтож бўлганларида, кўлдан келганича кўмак бериш билан, ҳеч бўлмаса муомала-мунасобатни чиройли қилиб, кўнгилиларини кўтариш билан

бўлади. Мусофир, илм талабидаги кишилар ҳаққи йўл билмаса, кўрсатиб, қўлдан келганича иқтисодий-маънавий қўллаб-қувватлаш билан адо этилади.

Ота-она оиласига масъул. Улар фарзандларини едириб-ичириши, таълим-тарбия бериши, эл-юрти, дунёси ва охира-тига манфаатли қилиб камолга етказишлари зарур. Корхона раҳбари бўлса, тўғри ва адолатли иш юритиб, қўл остидагилар-

асосида гапиришга уринаман. Шу ўринда Имом Ғаззолий Бухорий ва Муслимдан ривоят қилган бир ибратли ҳикояни айтиб берсам...

“Биздан олдинги қавмлардан уч киши тижорат мақсадида йўлга чиқдилар. Бир вақт йўлда ёмғирга тутилиб, ғорга кириб паналадилар. Шунда тоғдан тушган катта харсангтош ғорнинг оғзини тўсиб қўйди. Бу фалокатдан бизни фақат олдин қилган яхши амаллари-

қўпайиб, бир сурув бўлди. Йиллар ўтиб, собиқ ишчим ҳақини сўраб келганида, қўйларнинг ҳаммасини унга тақдим қилдим. Агар буни сенинг ризоинг учун қилган бўлсам, бизни бу тошдан қутқар.

Шундан сўнг тош тамоман четга сурилиб, улар ғордан қутулдилар”.

Қаранг, Аллоҳнинг ризолиги учун банд ҳаққига риоя этсак, Унга тажовуз қилмасак, ҳар қандай мушкул дамда Ўзи нажот берад экан.

— **Дарвоқе, сиздан қайси ҳақни адо этиш одоблари ҳақида кўпроқ сўрашади.**

— Алҳамдулиллаҳ, миллатимиз ичида Ҳақни таниб, унга астойдил бандлик қилишга интилаётганлар кўпайиб бораётир. Улар Аллоҳ ҳақларидан бўлган ибодатлар: намоз, рўза, ҳаж, закот ҳақида сўраб-суриштиришади. Билганимча жавоб қайтараман. Ақида ва фикр ҳақида оид улуғ салафларимиз китоблари ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиламан.

— **Журналимизни ўқиб борасиз, албатта... Чоп этилаётган мақолалар ҳақида фикрингиз, тилак ва таклифларингизни айтсангиз.**

— Журналда чиқаётган мақолалар имомларнинг фаолиятига ёрдам берапти. Янги сони чиқишини ўзим ҳам кутиб тураман. Шу йилнинг биринчи сонидеги “Тили оят билан чиққан чақалоқ”ни қизиқиб ўқидим. Дарров Қуръони каримдаги Ҳақнинг мўъжизаси ила тилга кирган Исо (алайҳиссалом) қиссаларини хотирладим. Қуръони карим сураларининг мухтасар тафсиллари берилаётгани ҳам диққатга сазовор. Таклифим — Қуръонни тажвид асосида ўрганиш саҳифаси ташкил этилса, бундан кўпчилик баҳраманд бўлар эди. Ҳаммамизга банд ҳақларини гўзал тарзда адо этиб, икки дунё саодатига ноил бўлиш насиб этсин. Омин.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
суҳбатлашди.

АДО ЭТАЙЛИК

Яхёхон қори ИСМОИЛ ўғли билан суҳбат

нинг ҳақини адо этиши керак.

Демак, киши олдидаги ҳақларни тугал бажариб, Яратганга шукр, итоат ва ибодатда бўлса, Аллоҳга банд, Пайғамбаримизга шарафли уммат бўлишини исботлайди.

— **Маҳалла-кўйда, одамлар орасида, масжиддаги маъвизаларингизда банданинг қайси ҳақни ҳақида кўпроқ гапирасиз?**

— Рост мени орамиздаги баъзи кишиларнинг нафсининг қулига айланиб, ота-оналари ҳолидан кам хабар олишлари, ўзларини вояга етказган яқин инсонларининг турмушига қизиқмай қўйганлари ташвишлантиради. Бундайлар гуноҳга ботаётганларини билмасмикинлар. Яна мени одамларнинг катта гуноҳлардан бири — ахлоқсизликка бефарқ бўлишлари ўйлантиради.

Ҳозир алдов, адолатсизлик билан бойишга уринувчилар кўп. Бу хатти-ҳаракатлар банд ҳаққига тажовуз-да. Қайда бўлмасин, Аллоҳ ризолигини истар экансиз, ота-она дуоисини олинг, пок бўлиб, зинога яқинлашманг. Бошга қилич келса ҳам, тўғри сўзланг, ёлғондан йироқлашинг, ҳалол тижоратдагина барака бор, дея уқтираман. Ҳамиша ҳужжат

миз қутқаради, Аллоҳдан сўраб, дуо қилайлик, дейишибди. Ва улардан бири Аллоҳга шундай илтижо этибди:

— Эй Аллоҳим, менинг қари онам ва қари отам бор эди. Мен ҳар оқшом уларга сут ичирмагунимча ҳеч кимга қарамасдим. Бир куни баъзи эҳтиёжларимни бутлаш учун ташқарига чиқдим ва оқибат ота-онамнинг сут ичадиган пайтларига етиб боролмай қолдим. Улар ухлаб қолишган эди. Улардан олдин бошқалар сут ичишини хурматсизлик деб билиб, уйғонишларини кутдим. Тонг отганида улар уйғондилар ва сутларини ичдилар. Аллоҳим, агар буни ёлғиз сенинг ризоинг учун қилган бўлсам, фалокатдан бизни қутқар!

Шу пайт тош бироз силжиди. Лекин ҳали чиқғулик эмас эди. Иккинчи шахс аммасининг қизи билан зино қилмоқчи бўлганида Аллоҳдан кўрқиб, унга тегинмаганини айтиб, Раббига дуо қилди ва ғорнинг очилишини сўради. Тош яна бир оз ўрнидан жилди, лекин у жойдан ҳамон чиқиб бўлмасди.

Шунда учинчи шахс деди:

— Аллоҳим, менинг кунбай ишлайдиган бир ишчим бор эди. Ҳақини ололмай кетиб қолди. Бу пулга мен бир қўй олдим. Бу қўй

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Женевада диний адабиётлар кўрғазмаси

Женева шаҳрида ўтган китоб кўрғазмаси беш кун давом этди. Кўрғазманинг мусулмон аёллар маданий ташкилоти растасида Ислom динимиз ҳақидаги Швейтсария аҳолисига таниш тилларга ўгирилган китоблар етишмай қолди. Ташкилот раисаси Нодийа Рашидий Кармоус: “Растамизда кунига уч юзтадан китоб сотилди, аммо швейтсарияликларнинг она тиллари, айниқса, фаранг тилига таржима қилинган китоблар танқислиги сезилиб турди”, деди.

Бундай ҳол бошқа расталарда ҳам кузатилди. Саудия Арабистони растасида Куръони карим маъноларининг фарангча таржимасидан минг нусха сотилса-да, унга талаб сусаймади. Ториқ Рамазон каби машҳур Ислom мутафаккирларининг асарлари, шариатга, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳаётларига доир китоблар, Ислomда аёлларнинг аҳволи ва бошқа долзарб масалаларга бағишланган мақолаларга талаб айниқса катта.

Кўрғазма кунлари унга 120 минг киши келди. Эътиқод қилувчилари сони жиҳатидан Ислom динимиз мамлакатда насронийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Саккиз милёнли Швейтсария аҳолисининг тўрт ярим фоиздан ортиғини мусулмонлар ташкил этади.

Islam Online

Кўҳна масжид таъмирланмоқда

Пекин шаҳридаги бундан минг йил муқаддам — Лио сулоласи даврида 996 йили қурилган “Ниужи” масжидини таъмирлаш ишлари бошланди. Бу ибодатхона Пекин мусулмон жамоатининг катта қисми истиқомат қиладиган мавзеда жойлашган. Масжидга ҳар куни йигирма мингдан зиёд киши қатнайди. У фақат ибодат жойи бўлиб қолмай, таълим маркази

ҳамдир. Шунингдек, бу ерда турли байрамлар, никоҳ маросимлари ҳам ўтказилади.

Бу кўҳна масжид ислomий ва анъанавий хитой меъморлигини уйғунлаштирган ноёб маданий обидадир. Хитой пойтахтига келган ҳар бир сайёҳ уни албатта зиёрат қилишга интилади.

Ҳукумат таъмирлаш ишларига йигирма милён юан (тахминан икки ярим милён дўллар) маблағ ажратди. Масжиднинг беш минг квадрат метр саҳли биносидан ташқари бир вақтлар бошқалар ўзлаштириб олган, энди яна мусулмонларга қайтариб берилган иккита кўшни бино ҳам таъмирланадиган бўлди.

Islam Online

“Чақирилмаган меҳмонлар” қўлга тушди



Малайзиянинг маъмурий маркази Путражайдаги масжидлардан бири яқинида миссионерликка оид китобларни тарқатгани учун политсия икки нафар АҚШ фуқаросини ҳибсага олди. Путражай политсияси комиссари катта ёрдамчиси Рамла Диннинг айтишича, йигирма саккиз ёшли Закри Хэррис ва ўттиз ёшли Рикки Рапердларм бундан аввал ҳам Малайзияга бир неча бор келиб-кетган. Улар масжид ходимлари уларнинг қонунга хилоф фаолиятдан шубҳаланиб, политсия чақиритганидан кейин қўлга олинган.

“Чақирилмаган меҳмонлар”дан инглиз ва малай тилларидаги олтмишдан зиёд диний мавзудаги китоб ва рисола, компакт-дисклар олиб қўйилди. АҚШ фуқаролари бу мамлакатда бўлиш ҳуқуқини берувчи ҳеч қандай ҳужжат ҳам кўрсата олишмаган.

РИА “Новости”

Саксон беш ёшли ҳофиз

Украинада биринчи марта саксон беш ёшли фуқаро Куръони каримни тўла ёд олиб,

Каломуллоқ ҳофизи бўлди. “Ризвон” Қуръон ўрганиш маркази талабаси Сулаймон Волиев бир ярим йил мобайнида ўттиз пора Қуръонни тўла ҳифз қилди. “Болалигимда Қуръони каримни тўла ёд олган мусулмонларнинг ҳикоялари мени ҳайратга соларди. Мен ҳам бунга эриша олармиканман, деб кўп ўйлар эдим”, дейди украиналик Сулаймон қори ота.

“Ризвон” маркази талабалари Қуръони каримдан ташқари, Ислom динимиз асослари ва Расулulloҳ (алайҳиссалом) ҳаётларини ҳам ўрганишади.

Ҳозирги пайтда Украинада икки милёндан зиёд мусулмон истиқомат қилади. Бу қирқ саккиз милёнли аҳолининг беш фоизга яқинини ташкил этади.

Islam Online

Сурияда исломий банклар очилади

Сурия президенти Башар ал-Асад мамлакатда хусусий исломий банклар очишга ижозат берди. Унинг баёнотида: “Исломий банкларининг хизматлари барча сармоя ётқизишлар ва молиялаштиришлар учун шариатга мувофиқ бўлиши керак”, дейилган. Исломий банкларининг бошланғич Низом жамғармаси беш миллиард сурия фунти (тахминан юз милён дўллар)дан кам бўлмаслиги лозим.

Сурия банк тизими 1963 йилдан давлат тасарруфига олинган. Исломий банк фаолиятининг асосий тамойили қарзлардан фоиз тўланмаслигидир. Чунки шариат рибо (судхўрлик)ни тақиқлайди. Бунинг ўрнига сармоядорлар сармоя ётқизилган лойиҳадан ўз улушларини олишади.

“Ал-Жазира”

“Саҳиҳи Муслим” рус тилида



Машҳур исломий манбаларни чоп этиб ном чиқарган Масковдаги “Ансор” нашриёт уйи Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” ҳадис китобини нашрга тайёрлади. Нашр ишларига татаристонлик олимлар жалб қилинган.

Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” ҳадислар

тўплами Имом Бухорийнинг шундай китобидан кейинги энг мўътабар манба ҳисобланади ва олти ишончли ҳадислар тўпламининг иккинчисидир. Ҳар икки китобга Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ривоят қилинган энг ишончли ҳадислар жамланган.

www.islam.ru

Тарбиячилар Ислomни ўрганишяпти

Саратовдаги мусулмон болалар боғчасида тарбиячилар учун динимиз асослари бўйича илк машғулотлар бошланди. Волгабўйи мусулмонлари диний бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Аҳмад Муҳаммадовнинг айтишича, бундай машғулотларни ҳар ҳафтада Саратов жомеъ масжиди имом-хатиби Фанил Бибарсов олиб боради.

Мазкур боғча ўн йилдан буён фаолият олиб борапти. Бу ерда болаларга Ислom дини талабларига жавоб берадиган таомлар берилади, тарбиячи аёлларнинг кийиниш тарзи ҳам динимиз талаблари бўйичадир. Болаларга Ислom динимиз ҳақидаги бошланғич билимлар ўргатилади.

www.islam.ru

Шаҳар политсијаси узр сўради



Мусулмонларнинг таҳқирланиши (исламофобия)га нисбатан ҳеч қандай чора кўрмагани учун Англиянинг Лапашир графлиги политсијаси шаҳардаги “Мадина” Ислom таълим марказидан расмий равишда узр сўради ва беш минг фунт товон тўлаш мажбуриятини олди.

Масжид қурилиши муҳокама қилинаётган шаҳар кенгаши йиғилишида политсијачилар Ислom маркази вакиллари шаънига айтилаётган ҳақоратларни эшитишган, лекин ҳеч қандай чора кўришмаган.

Катта нозир Давид Маллаби марказ раҳбарлари Форук Ҳусайн ва Шероз Аршоддан узр сўради ҳамда мусулмонлар ва шаҳар ҳокимияти ўртасида дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига умид билдирди.

The Muslim News

Муҳаммад СОЛИҲ МУНАЖЖИД

*Инсонлар енгил санайдиган,
аммо сақланишлари вожиб бўлган*

ҲАРОМ НАРСАЛАР

Номаҳрам аёл билан хилватда қолиш

Шайтон алайҳи лаъна доимо инсонларни фитнага солиш ва уларни ҳаром ишларга ундаш пайидадир. Шунинг учун Аллоҳ таоло бизларни огоҳлантириб, марҳамат қилади: “**Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашиманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта (шайтон) бузуқлик ва ёмонликка буюрур**” (*Нур, 21*).

Шайтон Одам болаларининг қон томирлари ичида юради. Киши номаҳрам аёл билан хилватда ёлғиз қолганида шайтон уни фитна қилиб, бузуқликка бошлайди. Зеро, номаҳрам билан хилватда қолиш шайтон тузоқларидан биридир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бу ҳақда бундай дедилар: “Киши номаҳрам аёл билан бир жойда холи қолса, учинчилари шайтон бўлади” (*Термизий ривояти*); “Бундан кейин бирон-бир киши номаҳрам аёлнинг олдига ёлғиз ўзи кирмасин, бир ё икки киши билан кирсин” (*Муслим ривояти*).

Киши номаҳрам аёл билан, масалан, ака-укасининг хотини, хизматчиси, ҳамшираси билан хоҳ уйда, хоҳ сайёрада, хоҳ ишхонада холи қолиши жоиз эмас. Зеро, бу ҳол кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлади.

Номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришиш

Аслимизни, динимизни унутиб, ўзга миллатлар мадани-

ятига эргашиб, уларга тақлид қилиш оқибатида динимизга ёт, урф-одатларимизга зид, номаъқул ишлар оддий ҳол бўлиб қолди. Ана шу мункар ишлардан бири номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришишдир. Амма, амаки, хола ва тоғаларнинг қизлари, келин ва келинойилар билан қўл бериб кўришиш нақадар хатарли эканига очик кўз билан назар солишса эди, бундай қилишмас эди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: “Сизлардан бирортангизнинг бошига игна санчилиши ўзига ҳалол бўлмаган аёлни ушлаганидан кўра яхшироқдир”. Номаҳрам билан қўл ушлашиб кўришиш қўлнинг зиносидир. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Икки кўз зино қилади, икки қўл зино қилади, икки оёқ зино қилади ва фарж (жинсий аъзо) зино қилади”, деб умматларини огоҳлантирганлар (*Аҳмад ривояти*).

Биз аёллар билан ёмон ниётда кўришмаймиз, кўнглимиз тоза, деган сўзларни эшитиб қоламиз. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қалбларидан ҳам тозароқ қалб борми? Энг покиза қалб соҳиби бўлган ул зот: “Мен аёллар билан қўл беришиб кўришмайман” (*Аҳмад ривояти*); “Мен аёлларнинг қўлини ушламайман” (*Табароний ривояти*), деб номаҳрамлар қўлини ушлаш мумкин эмаслигини баён этганлар. Ойиша онамиз (розийаллоҳу анҳо) Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳақларида бундай

айтганлар: “Огоҳ бўлинглар! Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳнинг қўллари, бирон-бир бегона, номаҳрам аёлнинг қўлига ҳаргиз тегмаган, аёллар билан байъат қилсалар, сўз билан байъат қилар эдилар” (*Муслим ривояти*).

Ака-укалари ёки бошқа номаҳрам эркаклар билан ўзининг солиҳа аёлини қўл бериб кўришишга мажбурлаётган эрлар Аллоҳдан қўрқсинлар.

Аёлларнинг маҳрамсиз сафар қилишлари

Иккала “Саҳиҳ” китобда Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Аёл киши маҳрамсиз сафар қилмасин” (*Аҳмад ривояти*). Бу ҳадис барча сафарларга, жумладан, ҳаж сафарига ҳам тегишлидир. Сафарга маҳрамсиз чиққан аёлнинг фосиқлар эътиборини тортиши, унинг ожизлигидан фойдаланган фосиқлар унга тажовуз қилишлари, гоҳо иффатини поймол этишлари, ҳеч бўлмаганида унинг нафсониятига тегишлари ҳеч гап эмас, ҳатто учоқда учаётган аёлни маҳрами кузатиб ёки қутиб олган тақдирда ҳам хатардан қутулиб бўлмайди. Ахир, унинг ёнидаги ўриндикда ким ўтиришини билмаймиз-ку? Бордию носозлик содир бўлиб, учоқ бошқа тайёрагоҳга қўниб қолса, унда нима бўлади? Кўплаб қиссаларнинг дебочаси мана шундай воқеалардан бошланган. Аёлга

сафарда ҳамроҳ бўладиган маҳрам мусулмон, балоғатга етган, оқил (ақли соғ) ва эркак бўлиши шарт. Маҳрамлар ҳақида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: "...аёлнинг отаси ёки ўғли, эри ёки ака-укаси ёки бирорта маҳрами" (*Муслим ривояти*).

Бегона аёлларга қараш

Қуръони каримда марҳамат қилинади: "(Эй Муҳаммад алайҳиссалом) **мўминларга айтинг: кўзларини** (номаҳрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар! Мана шу улар учун энг тоза** (йўлдир). **Албатта, Аллоҳ улар қилаётган хунарлардан хабардордир**" (*Нур, 30*).

Ҳадиси шарифда бундай дейилган: "Кўзнинг зиноси қарашдир" (яъни, Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга қараш) (*Бухорий ривояти*). Аммо уйланмоқчи бўлган йигит ва даволовчи табибнинг шаръий эҳтиёж юзасидан қараш мустаснодир.


Аёл кишининг ҳам бегона эркакларга боқиши ҳаромдир. Қуръони каримда: "(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом) **мўминаларга айтинг: кўзларини** (номаҳрам эркакларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!**" (*Нур, 31*) дейилган.

Яна эркак эркакнинг авратига, аёл аёлнинг авратига қараш ҳам ҳаромдир. Қараш ҳаром бўлган авратни ушлаш ҳам ҳаромдир. Баъзиларнинг ҳақиқий эмас-ку, деган "ҳужжат" билан журналлар ва филмлардаги ҳаёсиз кўринишларни томоша қилишлари шайтоннинг йўлдан оздиришидир. Зеро, буҳол шаҳватни жунбушга келтириши очиқ-ойдиндир.

Камолитдин ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли
таржумаси

Савол: *Ислоҳ рамзи сифатида янги чиққан ой (ҳилол) танланганини биланмиз. Нега Ой танлангани ва бу нарса қачон жорий этилгани ҳақида маълумот беролмайсизларми?*

Олим ЖўРАЕВ, Жамшид ТОЖИБОЕВ,
Ботир ХОЛМАТОВ,
Тошкент Ислоҳ университети талабалари



Нега ҳилол танланган?

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат этади: "**У** (Аллоҳ) **қуёшни** (қундузлари) **зиё сочгувчи, ойни эса** (кечалари) **нур-ёруғлик қилган ва сизлар йилларнинг саногини ҳамда** (вақтларнинг) **ҳисобини билишларингиз учун уни** (яъни, ойни) **бир қанча манзил-буржларга бўлиб қўйган** **Зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳ буни Ҳақ** (қонун ва ҳикмат) **билан яратди**" (*Юнус, 5*); "**Биз ойни ҳам токи у эски** (хурмо) **бутоғи каби бўлиб** (эгилиб ҳилол ҳолига келиб) **қолгунича бир неча манзилга белгилаб-тайинлаб қўйгандирмиз**" (*Ёсин, 39*).

Демак, Аллоҳ таоло ойни Ўзи билган қонун ва ҳикмат билан, кечалари нур сочиб, ёритиб туриши учун яратган. Аллоҳ таоло ойни яратиш билан бандаларнинг йиллар саногини ва вақт ҳисобини беҳато олиб — билиб юришларини ирода этган. Бу борада Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча саҳиҳ ҳадислар ворид бўлган:

Хусайн ибн Ҳорисдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Макканинг амири хутба қилиб: "Расулуллоҳ бизларга ибодатларни ойни кўриб адо этишни... амр қилганлар", деди» (*Абу Довуд ва Дора Қутний ривояти*).

Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "У (ой)ни кўриб рўза

тутинглари ва уни кўриб очинглари", деганлар» (*Имом Термизий ривояти*).

Ислоҳ рамзи сифатида ҳилолнинг танланишига усмонийлар давридаги воқеалар сабаб бўлган: 1453 йили Султон Муҳаммад Фотиҳ Византиянинг юраги саналмиш Кустантания (ҳозирги Истанбул) шаҳрига юриш бошлади. Ислоҳ тарихида ҳал қилувчи жангнинг бошлаш пайти қилиб осмонда ой кўриниши белгиланди. Сўнгра ҳилол чиқиши билан ҳужумга ўтилди ва бу муҳим шаҳар фатҳ этилди. Фотиҳлар шундан кейин ой сувратларини байроқларига туширишди.

У пайтда ҳали усмонлилар халифаликни қўлга олишмаган эди. 1516 йили Султон Салим Биринчи Ислоҳ ўлкалари устидан ҳукмронликни қўлга киритди. Байроқдаги ой суврати ҳам усмонлилар орқали бошқа мусулмон юртларга рамз ўлароқ тарқалди.

Ҳозирги пайтда жаҳондаги ўн учта мамлакат: Жазоир, Комор ороллари, Мавритания, Малайзия, Малдив, Озарбойжон, Покистон, Сингапур, Тунис, Туркия, Туркменистон, Ўзбекистон, Фарбий Сахара байроқларига ой (ҳилол) тасвири туширилган. Масжидларнинг минора ва гумбазлари устига ҳам ой тасвири ўрнатиш урфга кирган.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади.

РУСИЯ ФЕДЕРАТСИЯСИ

Русия Федератсияси ер майдони жиҳатидан ҳам, иқтисодий ва маданий салоҳияти бўйича ҳам дунёдаги энг катта мамлакатлардан саналади. Бу ерда милоддан аввалги минг йилликнинг иккинчи ярмидан одамлар яшай бошлаган. Фақат милоднинг тўққизинчи асрига келибгина славян қабилалари қадимий Рус давлатига бирлашди ва Рюриковичлар сулоласи вужудга келди. 988 йилга келиб княз Владимир замонидан Киев Руси олдида Византия насронийлиги ёки Исломни танлаш масаласи кўндаланг бўлади. Ичкиликни ҳаддан ташқари яхши кўрган, хурлик ва халқ ҳокимиятини ёқтирмаган княз Владимир Исломда ҳам тақиқлангани учун насронийликни маъқул кўрди ҳамда Рус ерига насронийликни олиб келди¹.



Русия тарихи бир маромда кечмаган: ўн учинчи асрда мамлакатга мўғул-татар, немис, шведлар ҳужум қилди, ўрислар икки юз эллик йил мўғул-татар ҳукмронлиги остида яшади. 1547-1584 йиллардагина князликлар ягона ўрис давлати атрофига бирлашди. Иван Грозний Аштархон ва

Майдони: 17075 минг кв.км.

Аҳолиси: 147 милён киши

Пойтахти: Масков шаҳри
(аҳолиси 9 милён киши)

Давлат тузуми: федератив республика

Бошқаруви: президентлик

Маъмурий тузилиши: 49 вилоят, 21 республика, 1 мухтор вилоят, 10 мухтор округ, 6 ўлка.

Йирик шаҳарлари: Санкт-Петербург, Новосибирск, Нижний Новгород, Екатеринбург, Самара, Омск.

Пул бирлиги: рубл.

Қозонни кўшиб олди, Сибирни забт этди. Петр Биринчи ўтказган ислоҳотлар Русияни жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторига олиб чиқди. Ўрол, Сибир, Узоқ Шарқ ерларини ўзлаштириш авж олди. Русия бир неча бор мустамлакачилик ва жаҳон урушларида қатнашди. 1917 йили ҳокимиятни қўлга олган болшавойлар ордан беш йил ўтгач, кўплаб ўлкаларни зўрлик билан СССР деган империяга бирлаштирдилар. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига келиб, бу салтанат парчаланди ва бошқа мамлакатлар қатори Русия ҳам мустақилликка эришди.

Асрлар мобайнида Русияда насронийлар ва мусулмонлар ёнма-ён яшаб келишган. Кўплаб ўрис мутафаккирлари Русияни Ислом динисиз тасаввур ҳам қилишолмайди. Атоқли ўрис ёзувчиси Лев Толстой: “Бордию одам олдида черков динини, ё Муҳаммад динини танлаш масаласи кўндаланг бўлса, ҳар қандай онгли одам иккиликни ўтирмайди ва ҳаммаси Муҳаммад динини танлайди”, деб ёзади. Ҳозирги за-

мон ўрис ёзувчиси Юрий Никитиннинг “Ярост” романида эса қуйидаги жумлалар бор: “Агар рус кишиси ҳар қандай мусулмон гаплашгани каби Аллоҳ билан воситачиларсиз мулоқотга кириша олса, бу унга фахр ва қадр-қиммат бағишлаган бўлур эди”.

Русияга Ислом динининг қай тарихи кириб келгани ҳақида турли фаразлар мавжуд. Русия Оврупа қисми мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Равил Файнуддиннинг ёзишича, Ислом дини ҳозирги Русия ҳудудида еттинчи асрдаёқ тарқала бошлаган. Орадан икки аср ўтибгина у расман қабул қилинган. Идил (Волга) бўйидаги Булғория давлатининг подшоҳи Аламуш Бағдоддаги халифа Муқтадир билан иттифоқ тузиш мақсадида 921 йили унга махсус элчи орқали мактуб жўнатади. У мактубда ўзига Ислом динини ўргатиши, Ислом асосларидан сабоқ бериши, подшоҳ учун масжид куриб беришга бирор кишини юборишини сўраган ва масжид минбарларидан туриб халифа номидан хутба ўқишини маълум қилган эди. Бунга жавобан халифа Ибн Фазлон бошчилигида элчилар гуруҳини юборади, унинг таркибида машҳур уламолар ва дин даъватчилари бор эди. 922 йил 17 майда подшоҳ, унинг аъёнлари ва ўлканинг ҳамма жойидан келган акобирлар иштирокида Ислом расман давлат дини деб эълон қилинди. Равил Файнуддин таъкидлашича, Ислом Русияга араб давлатларидан келган фотиҳ жангчилар ёки дин даъватчилари томонидан зўрлаб киритилмаган, аксинча, маҳаллий аҳоли ихтиёри билан қабул қилинган ва Бағдод халифасининг ёрлиғи билан мустақамланган².



Татаристон ФА қомусининг катта илмий ходими Озод Охунов эса Идил булғорларининг 922 йили Исломни қабул қилиши бир лаҳзалик воқеа бўлмаганини, Ислом ниҳоллари яхши тайёрланган заминга қадалганини ёзади. Бу вақтгача Булғорияда масжидлар ишлаб турган эди. Бағдод халифалиги элчихонасининг очилиши эса Волгабўйида мусулмонликни расман тасдиқлади, холос. Олимнинг фикрича, бунгача Ислом билан шарафланган Ўрта Осиё халқлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилиши натижасида элчилар келгунига қадар бу ерда аҳолининг катта қатлами мусулмон бўлишга улгурган эди³.

Олтин Ўрда (Жўжи улуси) Русия ҳудудидаги биринчи мусулмон давлати бўлиб, унда православ насронийлари озчиликни ташкил этар эди. Ўн иккинчи аср ўрталарида Овруосиё ҳудудида пайдо бўлган бу давлат таркибига Қора денгиз соҳиллари, Қирим, Кавказ олди, Қуйи Волгабўйи, Жанубий Ўрол, Фарбий Сибир, Шимолий Қозоғистондан иборат улкан чўл минтақалари кирган

¹ Вячеслав Полосин. “Прямой путь к богу”. Москва, “Ладомир”, 2000. ² Равил Гайнутдин. “Ислам в современной России”, Москва, “Гранд”, 2004. ³ Азад Ахунов. “Как это было” Интернет сайты.

эди. Аҳолиси туркий қипчоқлар бўлган Олтин Ўрда Чингизхон салтанатининг парчаланиши натижасида пайдо бўлган эди. Ўзбекхоннинг 1313 йили мусулмонликни қабул қилиши билан мўғуллар орасида асосий дин Ислом бўлиб қолди. Беркахон эса бу воқеалардан анча илгари мусулмон бўлган эди.

Бугунги кунда Русия чинакам исломий уйғонишни бошдан кечирмоқда. Мамлакат президенти Владимир Путин Чеченистон диний арбоблари хузурида сўзлаган нутқида “Русияда йигирма милён мусулмон яшайди, уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслигимизнинг иложи йўқ”, деган эди. Мафқурасини динсизлик устига қурган совет давлати қулагач, Русия мусулмонлари ҳам катта эркинликларга эришдилар. Ўқтабр тўнтаришидан кейин черковларга қўшилиб масжидлар ҳам беркитилган, бузиб ташланган, йўқ қилинган эди. Инқилобгача 12 минг масжид ишлаб турган Русияда 1937 йилга келиб улар сони юзтага ҳам етмай қолди. Тўқсонинчи йиллардан бошлаб мамлакатнинг барча ҳудудларида қўллаб масжидлар очила бошлади. Биргина Бошқирдистонда 1990 йили 24 та масжид очилган бўлса, орадан икки йил ўтиб, улар сони икки юзтага етди. Татаристонда 1986 йили 18 та, 1992 йили 228 та, 1998 йили 862 та масжид бор эди. Ҳозир улар сони мингдан ортиқ. Муҳташам ва гавжум масжидларни Нижегород, Набережные Челни, Ульяновск, Ўринбург, Туймен, Твер, Самара, Перм каби қўллаб шаҳарларда ҳам учратиш мумкин. Русияда ишлаб турган масжидлар сони бугунги кунда беш мингдан ортиб кетди.

Диний кадрлар тайёрлашга ҳам кат-

та эътибор берилмоқда. Совет замонида Русиядаги санокли масжидлар учун имомлар асосан СССРдаги ягона Ислом ўқув юрти бўлган Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида, кейинчалик эса Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида тайёрланган эди. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб мамлакатда қўллаб Ислом олий ва ўртамахсус ўқув юртлари ташкил этишга киришилди. Масков олий Ислом коллежи, Масков Ислом университети, Татаристон, Бошқирдистон, Доғистон, Ингушистон каби ўлкалардаги исломий билим юртлари шулар жумласидандир. Мусулмонлар учун йигирма номда газит-журнал, қўллаб диний адабиётлар нашр этилмоқда. Ҳажга борувчилар сони йил сайин ортиб бораётир. 2003 йили олти минг одам ҳажга борди, улар орасида Исломни янги қабул қилган ўрислар ҳам анча кўп.

Бугун мусулмонлар Русия ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Бир неча исломий уюшма ва партиялар расман рўйхатдан ўтган. Бутунрусия Ислом конгресси, Русия Ислом партияси, “Овруосиё” партияси (2001 йилгача “Рафох” ҳаракати), Буюк Британия, Қувайт ва Саудия Арабистонидан кўмак олувчи “Ислом ёрдами” жамғармаси, “Ҳаёт ул-ифоса” уюшмаси кабилар мамлакат ижтимоий-си-



ёсий ҳаётида ўз ўрни ва мақомига эга⁴.

1593 йили қабул қилинган махсус Ёрликда қишлоқларда ўрислар билан ёнма-ён яшаётган татарларга “насонийлар ва чўқинтирилганларни қизиқтирмаслик учун масжид қурмаслик” буюрилган эди. Подшоҳ Пётр эса 1713 йили Қозон ва Азов губернасидаги мусулмон-

ларни ярим йил ичида чўқинтириш ва руслаштириш ҳақида фармон чиқарган⁵. Бугунги Русияда асосан ҳанафий мазҳабида бўлган милёнлаб мусулмонлар ҳақиқий диний хурриятга эришганлар. Улар Конституцияда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш, эркин ибодат қилиш имкониятига эгадирлар.

Русия сиёсатдонлари, мутафаккирлари, ёзувчилари эса мамлакатнинг келажаги ва ривож кўпроқ Ислом динига боғлиқ экани ҳақида очиқчасига ёзмоқдалар. Таниқли олим Али Вячеслав Полосин таъкидлайдики, “Ислом милёнлаб русияликлар мутлақо ихтиёрий равишда танлаган диндир ва ҳеч бўлмаганда 922 йилдан бери Русия давлат қурилишининг пойдеворларидандир. Русиянинг ҳозир ва айниқса келажаги учун насоро ва Ислом динлари вакиллариининг ўзаро тотувлиги алоҳида аҳамиятга молик масала ҳисобланади”.

Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлади

⁴Михаил Тулский. “Ислам в неисламском мире”. Москва, 2005.5. Равил Гайнутдин. “Ислам в современной России”, Москва, “Гранд”, 2004 г.

РУСИЯДА МУСУЛМОНЛАР

Тарихга назар ташласак, Ислом динимиз Русияга милодий 654 йили арабларнинг ҳозирги Доғистон ҳудудларини фатҳ этиши билан кириб келганини кўрамыз. Ўша пайтлар Қора ва Каспий денгизлари орқали тижорат қилишган славян савдо-

гарлари ҳамда Эрон ва Византияга қарши урушларда иштирок этган ўрис жангчилари маҳаллий мусулмонлар билан мулоқотда бўлиб, таъсирланишган. Аста-секин минтақага Ислом дини ёйила бошлаган.¹

Сўнгги маълумотларга кўра, бугунги Русияда йигирма милёнга яқин мусулмон истиқомат қила-

ди. Бу мамлакат аҳолисининг 14 фоизига тўғри келади².

Мусулмонларни Русия Федерациясининг барча минтақаларида учратиш мумкин. Ҳозир мамлакатда Ислом динига мансуб қирққа яқин халқлар, элатлар бор. Шимолий Кавказ, Волгабўйи, Фарбий Сибир каби улкан ҳудудлар аҳолисининг кўпини мусулмонлар ташкил этади. Уларнинг миллий таркиби ҳам ниҳоятда ранг-баранг: мусулмонларнинг 5,5 милёнини тоторлар, 1,5 милёнини бошқирлар, 1,3 милёнини чеченлар ташкил этади. Аварлар, қабардинлар, қорачойлар, ингушлар, абхазларнинг асосий қисми ҳам мусулмонлардир. Булардан ташқари мамлакатда 300 минг тожик, шунча ўзбек, 400 мингдан зиёд курд, бир милёнга яқин озарбойжон ва қозоқ мусулмонлари яшаб келяпти³.

Ўн еттинчи йилги Ўктябр тўптаришига қадар Русияда ўн икки минг масжид фаолият кўрсатган бўлса, ўша йигирман-

чи асрнинг 30-йилларига келиб, худосизлик авжга минди, черковлар қатори минглаб масжидлар ёпилди, бузиб юборилди. 1937 йили шундай катта мамлакатда бор-йўғи юзтагина масжид бўлган. Ўтган асрнинг охирига келиб, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши туфайли дахрийлик мафқураси барҳам топди ва диний конфессияларнинг фаоллашуви бошланди. Бугунги кунда мамлакатнинг барча ҳудудларида минглаб масжидлар ишлаб турибди. Шунинг эътиборга олиш керакки, сўнгги йилларда ғайримусулмон халқлар вакиллариининг Ислом динини қабул қилиш ҳоллари кўпайгани кузатилмоқда.

Собиқ Иттифоқда олий тоифадаги имомлар тайёрлайдиган иккита ўқув юрти бўлиб, улар ҳам Ўзбекистоннинг Тошкент ва Бухоро шаҳарларида эди. Русия ҳудудида ўқув юртлари йўқлиги сабабли малакали имомлар тайёрлаш учун ёшлар Саудия Арабистонига юборила бошланди. Хорижда бошқа мазҳаб асосида таҳсил олган ёш имомларнинг ноанъанавий йўлни ёйишга уришилари маълум ихтилофларни келтириб чиқарди. Бу эса мамлакатнинг ўзида миллий диний кадрлар тайёрлаш муаммосини ўртага қўйди. Сўнгги йилларда бутун Русия бўйлаб қирқдан ортиқ олий ва ўрта-махсус диний ўқув юртлари очилди. Масков муфтияти қошида очилган Ислом университети ва коллежи, Қозон шаҳридаги Ислом институти шулар жумласидандир.

Муҳаббат АЪЗАМОВА,
Тошкент Ислом
университети магистри

¹ Ланда Р. “История Ислама в России”, “Россия и мусулманский мир”, 2003, 12, с. 18. ² Ежегодный доклад Госдепа США о свободе вероисповедания за 2003 год. ³ Самарин А. “Каждый пятый россиянин — мусулманин”, “Россия и мусулманский мир”, 2004. 1, с. 14-15.

Фасл*


Баданлар табобати икки турлидир. Биринчи турини Аллоҳ тилли ва тилсиз ҳайвонида яратиб қўйгандир. Бунда табибнинг муолажасига эҳтиёж йўқ. Очлик, сувсаш, совуқ, чарчоқ ва уларга зид ҳолатларнинг муолажасига ўхшаш.

Иккинчи тури эса, фикр ва тааммул(ҳаракат)-га муҳтождир. Мизожда пайдо бўлган ва уни мўътадилликдан чиқарадиган касалликларни даф қилишга ўхшаш. Зотан, мизож иссиқ ёки совуқ, куруқ ёки ҳўл бўлиши мумкин. Ёки, умуман, уларнинг иккиси ҳам бўлиши мумкин.

Фасл**Жароҳатларни даволашдаги кўрсатмалари**

“Саҳиҳайн”да Абу Ҳозимдан ривоят қилинади: “У Саҳл ибн Саъддан Расулulloҳнинг (соллал-

уҳ қисмдан бўлса, уларнинг шифоси ҳар бир мизожга лойиқ бўлган сурги билан амалга ошади. Пайғамбаримиз гўё асал ҳам сурги эканини айтмоқдалар, қон олиш ништари билан эса, венадан қон олишни таъкидламоқдалар. Айрим кишилар венадан қон олиш “...қон олиш ништари” сўзларига дохилдир, дейдилар. Агар дори-дармон ҳолдан тойдирса, табобатнинг охириги йўли куйдиришдир. Пайғамбаримиз уни дорилар қаторида зикр қилдилар. Чунки табиат до-

**“ТИББ УН-НАБАВИЙЯ”**

лоху алайҳи ва саллам) Уҳуд газотидаги жароҳатлари нима билан даволангани ҳақида сўралганини эшитди. Саҳл айтди: “Юзлари жароҳатланди. Курак тишлари синди. Бошлари ёрилди. Расулulloҳнинг қизлари Фотима қонни ювар, Ҳазрати Али ибн Абу Толиб эса унга қалқон билан сув куйиб турарди. Фотима қон фақат кўпаяётганини кўргач, қўлига бир бўлак бўйрани олиб, ёндирди. У куйиб қулга айлангач, жароҳатга қўйди ва қон дарҳол тўхтади”.

Папирусдан олинган кулнинг қонни тўхтатишга таъсири кучли. Чунки унда кучли селгитиш ва кам ачиштириш хоссаси мавжуд. Агар селгитувчи кучли дориларда ачиштириш хусусияти бўлса, у қонни кўпиртиради ва қуюлтириб қўяди.

Мазкур кулнинг ўзини ёки сирка билан аралаштириб, қонаган бурунга пуфланса ёхуд сепилса, қон оқиши тўхтайд.

“Ал-Қонун” муаллифи айтади: “Папирус кули қон кетишига қарши фойдали даводир, уни тўхтатади. Уни нам жароҳатларга сепилса, жароҳат тез битади. Қадимдан Миср қоғозлари ундан ишланарди. Мизожи совуқ-куруқ ва оғиз қичимасига фойдаси бордир. Қон туфлашни тўхтатади ва ёмон йирингли яраларни ёйилишдан тўсади”.

Фасл**Асал билан даволаш, қон олиш ва куйдиришдаги кўрсатмалари**

Бухорийнинг “Саҳиҳ”ларида келган: “Саид ибн Жубайр Ибн Аббосдан ривоят қилишларича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Шифо учта нарсадир: асал ичиш, қон олиш ништари, оловда куйдириш. Мен умматини куйдиришдан қайтараман”.

Абу Абдуллоҳ ал-Мозарий айтадилар: “Касалликлар тўрт турли бўлади: 1. Қондан. 2. Сафродан. 3. Балғамдан. 4. Савдодан. Агар у қондан бўлса, шифоси қонни чиқариб ташлаш билан бўлади. Агар қолган

рилар кучига фойда қилмайдиган даражада голиб келганида, куйдириш қўлланилади. Расулulloҳнинг: “Мен умматимни куйдиришдан қайтараман”; “Куйдириб даволашни яхши кўрмайман”, деган ҳадислари зарурат бўлмагунча бу усул билан муолажа қилишни кечиктириб туришга ва у билан даволашни шашмасликка ишорадир. Чунки куйдириб даволашда ўзидан кучсиз бўлган оғриқни кучли оғриққа алмаштириш мавжуд.

Баъзи табиблар бундай дейишади: “Мизожий касалликлар икки хил бўлади: 1. Модда сабабидан. 2. Моддасиз сабаб билан.

Моддали хили иссиқ, совуқ, ҳўл ёки куруқ бўлади. Мана шу тўрт кайфиятдан иккитаси: иссиқ ва совуқ таъсир этувчи кайфиятга, ҳўл ва куруқ эса таъсирланиш кайфиятига эга. Таъсир этувчи икки кайфиятдан бири голиб бўлиши, ўзи билан таъсирланувчи кайфиятини пайдо қилади. Худди шунга ўхшаш баданда мавжуд ҳар бир мизожнинг ва бошқа таркибларнинг икки кайфияти, таъсир этувчи ва таъсирланувчи кайфияти бор.

Хулоса шуки, мизожий касалликларнинг асли таркиб кайфиятларининг кучлисига, яъни, иссиқлик ва совуқликка тобеъдир. Иссиқ ва совуқдан бўлган касаллик муолажасининг асли Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каломларида тамоий йўли билан келди. Агар касал иссиқдан бўлса, ё венадан қон олиш ё ҳижомат йўли билан қонни чиқариб ташлаб, муолажа қиламиз. Чунки бунда модда бўшанади, мизож совийди. Агар у совуқдан бўлса, унда қиздириш билан даволаймиз. Бу эса асалда мавжуддир. Агар совуқ моддадан бўшанишга эҳтиёж бўлса, асал бу ҳолда ҳам кор келади. Чунки унда пишганлик, кесиш, юмшатиш, тиниқиш ва мулойимлик хусусиятлари мавжуд. Шу сабабли модданинг кучли ич кетишлар дағдағасидан тинч ва осон бўшаниши ҳосил бўлади.

Мубашшир АҲМАД
таржимаси

*Бошланиши ўтган сонда.

ИСЛОМИЙ БАНК ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Тошкент Ислом университети халқаро алоқалар бўлими бошлиғи
Жамшид КАРИМОВ билан суҳбат*



*1978 йили Тошкент шах-
рида туғилган. Тошкент Дав-
лат шарқшунослик институ-
тида, Буюк Британиянинг
Гринвич университетида
таълим олган. 2002 йили Ол-
мониянинг Кобург универси-
тети магистри бўлди. 2004
йилдан буён Тошкент Ислом
университетининг халқаро
алоқалар бўлими бошлиғи
бўлиб ишламоқда.*

— Кейинги йилларда юртимиз ёшларининг илғор мамлакатларга чиқиб ўқиш имкониятлари кенгайди. Кўплаб иқтидорли талабалар қатори сиз ҳам хорижда таҳсил олиб қайтдингиз. Суҳбатимиз аввалида талабалик даври таассуротларингиз, хорижда таълим жараёни ва айти дамда олиб бораётган ишларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— 1999 йили иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Буюк Британиянинг Гринвич университетида ўқиш имкониятига эга бўлдим. 2002 йили молия ва молиявий ахборот мутахассислиги бўйича бакалаврлик даражасини олдим. Шу йили Олмониянинг ДААД (Deutsche Akademische Austauschdienst) ташкилотининг гранти билан Кобург университети магистратурасига ўқишга кириб, 2004 йили молия бошқаруви мутахассислиги бўйича магистрлик дипломини олдим.

Албатта, ривожланган мамлакатлар, хусусан, Оврупа давлатлари таълим тизимининг бизда мавжуд тизимдан катта фарқлари бор. Талабаларнинг мустақил ишлашлари учун вақтнинг кўплиги ва дарсга тайёргарлик

Доктор Шахид Ҳасан Сиддиқий. Islamic Banking: True Modes of Financing.

жараёнида эркин қатнаша олишлари уларнинг танлаган касблари бўйича етук мутахассис бўлиб етишишларида катта ёрдам беради. Шунингдек, кутубхоналарнинг замонавий адабиётларга бойлиги, ётоқхонада ва дарсхоналарда интернет тармоғидан бевосита фойдалана олиш мумкинлиги ҳам талабаларнинг янгиликлардан вақтида хабардор бўлишларини таъминлайди.

Хорижда олган билим ва тажрибаларимни юртимиз ёшларига ҳам ўргатиш ниятидаман. Шу мақсадда Тошкент Ислом университетида ишга кирдим. Айти чокда университетнинг “Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти” кафедрасида исломий банклар амалиётини замонавий банк тизимлари билан қиёслаш мавзуида илмий изланишлар олиб бораёман.

— **Исломий банк тизими ва амалиёти юртдошларимиз учун янги, нотаниш бир соҳа. Шу боис бу ҳақда умумий маълумот бериб, исломий банк тизимини ўрганиш бизга нима учун кераклигини тунтирсангиз.**

— Демократик ривожланган жамият куриш вазифалари иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни тақозо этади. Бу борада халқаро молия ташкилотлари билан иккитарафлама са-

марали алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида улкан салоҳиятга эга Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёти банки каби ташкилотларнинг тўлақонли аъзосига айланди. Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолиги тўғрисида”ги 371-сонли қарорига асосан давлатимиз Ислом тараққиёт банкнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бу эса, ўз навбатида, исломий банк тизими тушунчасининг мазмунмоҳияти, намоён бўлиш хусусияти ва тамойилларини илмий-иқтисодий ва амалий таҳлил қилишни талаб этади.

Ҳозирги кунда Ислом аҳкомлари асосида фаолият юритувчи банк тизими халқаро молия-банк соҳасида ўзига хос янгилик сифатида тан олинмоқда. Ушбу банк тизими, асосан, мусулмон аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ХХ асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган эди. Айти дамда 27 та мусулмон ва 16 та мусулмон бўлмаган мамлакатларда икки юздан ортиқ исломий банк ва молиявий ташкилотлар фаолият юритмоқда. Уларнинг умумий сармоя миқдори 200 миллиард АҚШ долларини ташкил этади¹.

Мамлакатимиз жўғрофий жиҳатдан арзон халқаро улов қатнови учун қулай денгизлардан узоқда жойлашган. Араб денгизи портларига ва Форс кўрфазига олиб чиқадиган қўшни давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш иқтисодиётимиз учун гоят муҳимдир. Иқтисодий алоқаларни кенгайтириш эса, Ўзбекистон ҳамда минтақадаги бошқа давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашувини тезлаштиради.

Мамлакатимизга яқин жойлашган давлатларнинг аксарияти мусулмон давлатлар бўлиб, уларда молия амалиёти асосан исломий банк тизими асосида

юритилади. Шунинг учун ҳам исломий банк тизимини илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил этиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Қолаверса, исломий банкларни ташкил этиш мусулмон давлатларда мавжуд, бироқ молия тизимидаги фарқлар туфайли иқтисодиётга жалб қилинмаётган сармояларнинг иқтисодиётимизга кириб келишини ва бунинг натижасида иқтисодий ҳамда тижорий алоқаларни янада ривожлантириш имконини беради. Бу соҳада ҳали тизимли илмий-услубий тадқиқотлар деярли олиб борилмаган.

— **Дунёвий банклар бир неча асрлик тарихга эга. Халқаро иқтисодий тизимда пайдо бўлганига унча кўп вақт ўтмаган исломий банкларнинг улардан ажралиб турадиган хусусиятлари нималар?**

— Ҳар қандай иқтисодий тизим, энг аввало, маблағга боғлиқ. Бидамиз, дунёвий банклар маълум бир фоиз эвазига қарз беришади. Лойиҳа муваффақиятли бўлиш ёки бўлмастидан қатъи назар, қарздор олган пулини олдиндан белгилаб қўйилган фоизи билан қайтаришга мажбур.

Шариатимизга кўра, молиявий олди-бердини фоиз ҳисобига қуриш ҳаром бўлиб, қаттиқ тақиқланган. Шу боис исломий банк тизимида молиялаш шерикчилик асосида йўлга қўйилади. Бу тизим банк соҳасида янги пайдо бўлганига қарамай, молиялашнинг музораба, мушорака каби бир неча усуллари Ислом фикҳида ипидан-игнасигача олдиндан ишлаб чиқилган.

— **Музораба ва мушорака усуллари бир оз тушунтирсангиз. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қайсилар?**

— Айтиб ўтилганидек, музораба ва мушорака шерикчилик асосида қарз беришнинг бир тури. Бунда лойиҳани молиялаштираётган банкнинг фойда ёки зарарга тенг шерик бўлиши тушунилади. Агар лойиҳа ўзини оқлаб, кутилган натижага эришилса, кўрилган фойда банк билан миждорда тақсимланади. Аксинча, лойиҳа муваффақиятсизликка

учраса, банк пулни қайтариб олмайди ва зарар олдиндан келишилган миқдорда ҳар икки томон ўртасида тенг бўлинади.

Энди мушорака ва музорабанинг фарқли жиҳатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, мушоракада банк лойиҳанинг тўлақонли шериги ҳисобланади. Бу усулда тузилган шартномада тақдим этилаётган лойиҳа эгаси бўлмиш корхона ёки шахс лойиҳага ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятлари, банк эса молиявий сармояси билан ҳисса қўшади. Лойиҳа сўнгида фойда ёки зарар олдиндан келишилган миқдорда тақсимланади.

Музораба ҳам шерикчилик асосида бўлади, лекин бунда банк хомашё ёки сармоя объектини тўла сотиб олади ва ижарага беради. Замонавий молия тилида айтсак, лизинг асосида иш юритади.

— **Ҳозир жаҳон молия тизимида исломий банкларнинг тутган ўрни қандай?**

— Исломий банклар жаҳон молия тизимида жадал суръатлар билан ўсиб бораётган молиявий тизимлар сирасига киради. Ҳозирда бу банкларнинг умумий маблағи 200–300 миллиард долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич йилига 15 фоиздан ошиб бормоқда. Сўнги маълумотларга кўра дунёнинг 45 мамлакатига юздан ортиқ исломий молия тизимида фаолият юритаётган ташкилотлар мавжуд.

— **Демак, исломий банк тизимларининг молия соҳасидаги тажрибалари яхши натижаларга эришяпти...**

— Ҳа, албатта. Дастлаб Ўрта Шарқда пайдо бўлган исломий банк тизими ҳозирда бир қатор ривожланган давлатларда ҳам жорий қилинмоқда. Масалан, Буюк Британиядаги 1,8 милён мусулмон аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида 2003 йили Лондонда Британия исломий банки ташкил этилиб, Оврупага исломий банк тизими кириб келди. Британиянинг бешинчи энг катта банки ҳисобланган Lloyds TSB эса биринчилардан бўлиб аҳолига шариат аҳкомлари асосида хизмат қилувчи ҳисоб рақамларини тақдиф этди. Ўтган

йилнинг май ойида АҚШ молия вазири молиявий бозорни янада яхшироқ ўрганиш учун бир уламони исломий молия тизими бўйича маслаҳатчи вазифасига тайинлади. Осиё минтақасида эса, Малайзия етакчи ўринни эгаллаб боряпти. Ҳозир бу ерда исломий аҳкомларга тўлиқ жавоб бера оладиган банклар сони саккизтага етган.

— **Исломий банк тизимини жорий қилиш учун бизнинг шароитда биринчи галдаги вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

— Энг аввало, исломий банк тизимини назарий жиҳатдан яхши ўрганиш, Ислом тараққиёт банки билан ўрнатилган ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур.

Маҳаллий шароитда банкларнинг шерикчилик асосида кичик қарзлар беришини йўлга қўйиш лозим.

— **Маълумки, Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки билан бир нечта лойиҳаларда ҳамкорлик қилган. Ушбу банкнинг Ўзбекистонда олиб борган ишлари ҳақида ҳам ўрни келганда айтиб ўтсангиз.**

— Дарҳақиқат, Ислом тараққиёт банки бир қанча лойиҳаларни молиялаштиришда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Тошкент Ислом институти талабалари учун ётоқхона қурилиши, Бухородаги Мир Араб мадрасасини қайта таъмирлаш ишлари, Самарқанддаги Ҳадис илми маркази қурилиши ва яна қўплаб лойиҳалар бунга мисол бўлади.

2003 йили сентябр ойида Ислом тараққиёт банки гуруҳининг Олма отада ўтказилган йиллик 28-йиғилишида Ўзбекистондан расмий вакиллар қатнашди. Шу йилнинг ўзида Тошкентда ИТБнинг сармоявий анжумани ўтказилди.

Ўтган йили 14–15 сентябр кунлари Техронда бўлиб ўтган Ислом тараққиёт банки Кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз иқтисодиётини ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ИТБ ва Ўзбекистон Миллий банки ўртасида молиявий битимлар имзоланди.

Маҳмуд МАҲКАМ
сўхбатлашди.

ҚАЛАМДАН ТЎКИЛГАН ГЎЗАЛЛИК

Мовароуннаҳр диёрига хаттотлик Ислом дини ва араб ёзуви орқали кириб келди. Атоқли турк олими Ҳабибнинг “Хат ва хаттотон” тазкираси¹ араб ёзувида шуҳрат қозонган ва турли хат услубларини жорий этган мингга яқин хаттотнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот беради. Аммо бу асарда асосан араб, ажам, Усмонли турклардан чиққан энг машҳур хаттотларгина зикр қилиниб, юртимиз хаттотлари ҳақида оз маълумот келтирилган.

Бухорода яшаб ўтган олим Шарифжон Махдумнинг “Тазкираи хушнависон”², Қози Аҳмаднинг “Хаттотлар ва мусаввирлар ҳақида рисола”³ асарлари ана шу бўшлиқни тўлдириб, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва бошқа ўлкалар хаттотларининг хуснихатлари ва ёзув намуналари билан таништиради. Бу асарларда Мовароуннаҳрда Ислом дини ёйилиши баробарида хаттотлик санъати ҳам ривож топгани, жаҳонга машҳур хаттотлар ва наққошлар етишиб чиққани ҳақида сўз боради. Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Абдул Рашид Ҳаловий, Заҳириддин Азҳар Табризий, Султон Муҳаммад Нур, Мир Али Ҳиравий, Мир Имод Қазвиний ва бошқаларнинг қаламидан тўкилган мўъжиза ёзувлар неча-неча нодир китоблар саҳифасига муҳрланиб, давримизгача етиб келган.

Хаттотлик китобат санъатининг энг муҳим ва нодир касбларидан саналади. Тўғри, китобнинг юзага келишида хаттот (хат кўчирувчи, ёзувчи)дан ташқари қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), музаҳҳиб (олтин ҳал берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни зийнатловчи), мусаввир (расм ва безаклар ишловчи), саҳҳоф (муқова-соз) каби хунар эгалари ҳам иштирок этишади. Аммо китобат ишида энг зарур вазифани хаттот бажаради.

Тўрақўрғонлик мутафаккир олим ва жамоат арбоби Исҳоқхон Жунайдуллоҳхожа ўғли Ибратнинг “Жомий ул-хутут” асари юртимиздаги хаттотлик тарихи, хат услублари, ёзув шакллари ҳақидаги анча мукамал ва бебаҳо манба

¹Ҳабиб. “Хат ва хаттотон”. Истанбул, 1887, ЎзФАШИ, 3640-рақами билан рўйхатга олинган. ²Шарифжон Махдум. “Тазкираи хушнависон”, ЎзФАШИ, 2193-рақам. ³Қози Аҳмад. “Хаттотлар ва мусаввирлар ҳақида рисола” (Трактат о каллиграфах и художниках), Масков-Ленинград, 1947 йил. ⁴Исҳоқхон Жунайдуллоҳхожа ўғли Ибрат. “Жомей ул-хутут”, Наманган, “Матбааи Исҳоқия”, 1912 йил



ҳисобланади. Унда қирқ бир ёзув намунаси келтирилган⁴. Ана шу ва юқорида тилга олинган манбаларга таяниб, хаттотлик тарихи ва машҳур хаттотлик мактаблари ҳақида анча-мунча маълумот олиш мумкин.

Йигирма саккиз ҳарфдан иборат бўлган араб алифбосининг дастлабки шакли “хатти маъқалий” бўлиб, у тик чизиқлар билан ифодаланган. Аммо у истеъмолда узоқ бўлмади, шуҳрат қозона олмади. Еттинчи асрдан бошлаб унинг ўрнини араб ёзувининг энг қадимийи ва машҳури ҳисобланган “хатти кувфий” эгаллади. Ана шу икки тур асосида араб ёзувининг санъаткорона яратилган куйидаги олти хил асосий услуби юзага келди:

1. **Сулс хати.** Бунда қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солингани учун шу номни олган.

2. **Насх хати.** Бу хат юзага чиқиб шуҳрат қозонганидан кейин бошқа хатларнинг барчаси мансук (бекор) бўлганидан шу ном берилган.

3. **Муҳаққак хати.** Қадимий маъқалий ва кўфий хатларига ўхшаш бўлгани учун Ибн Муқлаъ унга “муҳаққак” деб ном берган, мазкур хат ихтирочиси Ибн Баввобдир.

4. **Райҳоний хати.** Хатнинг ёзилиш шакли райҳонга ўхшайди, у муҳаққакдан келиб чиққан ва бу хат ихтирочиси ҳам Ибн Баввоб ҳисобланади.

5. **Тавқий хати.** Қозихона ҳужжатлари, идора ва маҳкамалар фармонларига тавқий услубида имзо чекилгани учун шу номни олган. Унинг ихтирочиси маълум эмас.

6. **Риқоъ хати.** “Риқоъ” — руқъанинг кўплиги бўлиб, қоғоз парчаси, мактуб демакдир. Бунда ҳарфлар бир-бирига қурама қилиб ёзилади. Бунинг ҳам ихтирочиси номаълум.

Айрим олимлар “таълиқ” хатини ҳам юқоридаги рўйхатга қўшиб, уни ҳам асосий хат услубларидан ҳисоблайдилар. Таълиқ хатининг ихтирочиси Абульёл деган киши бўлган.

Илмий адабиётлар ва қўлёзмаларда кўп учрайдиган “ғубор” хати насх хатининг майда қаламда ёзилишидир. Машҳур хаттотлардан Саид Қосим бир дона гуручга ғубор хати билан Ихлос сурасини ёзган, бу хат ихтирочиси ҳам ана шу кишидир.

Мазкур хатларнинг ҳар бири алоҳида ўринларда қўлланилган: Муҳаққақ — қасида ва шеърлар ёзишда, сулс — илмий асарлар ва хат йўл-йўриқларида, райҳоний ва насх — қисса ва хабарларда, тавқиъ — буйруқ ва фармонларда, риқоъ — мактубларда ишлатилади. Бу олти асосий услубнинг ҳар бири ингичка ва йўғон қаламларда ёзилиши натижасида яна ўн икки хил хатни ташкил этган. Тўққизинчи-ўнинчи асрларда илк хаттотлардан Иброҳим Сикизий, Юсуф Сижистоний, Ибн Баввоб ва бошқа устодлар ўттиз олти тур хатни ихтиро этишган.

Хаттотларнинг ижод намуналари меъморлик, тасвирий санъат, китобатнинг шоҳ асарлари орқали халқимизнинг бетакрор мероси сифатида неча асрлардан буён яшаб келяпти. Улар кўчирган Қуръони карим муҳафлари, “Ҳидоя”, “Муҳтасари виқоя”, “Саҳиҳ”, “Муснад”, “Чор девон”, “Луғат” каби илмий асарлар, Алишер Навоий, Фузулий, Хўжа Ҳофиз, Бедил, Саъдий, Аҳмад Яссавий каби шоирларнинг девон ва тўпламлари, подшоҳларга юборилган мактублар тарих саҳифаларига муҳрланиб қолди.

Шарифжон Махдум “Рисолаи хаттотон” асарида ёзишича, Мовароуннаҳрда хаттотликнинг Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент мактаблари бўлган. Ана шу мактабларнинг хаттотлари ниҳоятда хушхат, зебо қаламли, зийнат ёзувли бўлиш баробарида ўзлари ҳам билимдон, оқил, закий ва назми таъб инсонлар бўлишган.

Масалан, Ҳирот мактабининг вакили Иброҳим Мирзо Шоҳруҳ ўғли улуғ саркарда Амир Темурнинг набираси эди. У олти хил хатда тенги йўқ хаттот бўлган, унинг хат намуналари ҳозир ҳам Шероздаги мадраса, masjidларнинг пештоқида, қўлёзмаларда сақланиб қолган. Темурий шаҳзодалардан Султон Бойсунқур ўзи яхши хаттот бўлгани ҳолда кутубхонасида қирқ нафар машҳур ҳусниҳат устаси туну кун китобат билан шуғулланган. Хаттотлик, зарафшонлик, олтин ҳал бериш, нақш, лавҳа каби санъатлар унинг даврида ривож топган. Булардан ташқари Амир Муҳаммад Бадриддин Темур ўрдасининг асосий хаттоти бўлган, Султон Ҳусайннинг ўғли Бадиуззамон Мирзо турли хатлар устоди эди, ай-



ниқса, настаълиқда зебо қалам эди. Настаълиқ хатининг асосчиси Хожа Мир Али Табризий “Қиблат ул-кутуб” (“Котибларнинг пешвоси”) унвони билан шарафланган.

Бухорода бир юз элликдан зиёд номи чиққан иқтидорли хаттот бўлган. Улардан Пирмуҳаммад Сўфи Бухорий қирқ тўрт хил китобни ғоятда хушхат кўчирган. Низомиддин Бухорий тирноқ билан қоғозни бўрттириб ёзиладиган “нохун” хатининг устаси эди. Мирали Хиравий кўчирган китобатига “Котиби султоний” деб имзо чеккан. Машҳур адиб ва мутафаккир олим Аҳмад Дониш айни пайтда ажойиб хаттот, лаввоҳ ва музаҳҳиб эди.

Самарқандлик атоқли хаттот Аҳмад ибн Умар Ашъас Абу Бакр Самарқандий ўн биринчи асрнинг йирик муҳаддис олими ҳам эди. У асосан Муҳаф кўчириш билан ном чиқарган, Қуръони каримни ёддан хатга туширар эди. Самарқанд котибларидан мулла Муҳаммад Мирзо Даҳбедий, Муҳаммад Собир Самарқандий, Абдулмўмин ас-Самарқандийлар Алишер Навоий асарларининг энг яхши хаттотлари бўлишган. Самарқандда жами юздан зиёд номдор хаттот китобат билан шуғулланган.

Машҳур шоир Мунис Хоразмий, Комил Хоразмий, Муҳаммад Юсуф Рожий, Бобожон Санойӣ, Муҳаммад Назар Хаёлийлар айни пайт-



да Хоразм хаттотлик мактабининг йирик намоёндалари эдилар.

Фарғона хаттотлик мактаби вакиллари рўйхати аввалида улуғ шоир, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур туради. Бобур Мирзо “Хатти Бобурий” номида бир хат ихтиро қилиб, унда кўчирган қўлёзмасини Маккага юборган. Муҳаммад Латиф Хўқандий, Мирзо Шариф Дабир, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Юсуф Мунтазир Андижоний, Рожий Хўқандий, Маъсумхон Гулханий, Исҳоқхон Ибрат Тўрақўргоний, Асқарали Чархий ва бошқа юзлаб зебо қалам, хушхат хаттотлар китобатда ва ҳуснихатда ном чиқаришган.

Таниқли хаттот ва олим Абдулқодир Муродов “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” китобида Тошкентда яшаб ижод қилган элликка яқин машҳур хаттотнинг ҳасби ҳолини келтиради. Булар орасида Маҳмуд Абдужалил Восифий, Жалолиддин Юсуф Шоший, Соний Пирмуҳаммад Тошкандий, Мавлоно Обидий Шоший, Мираҳмад Мирий, Алмаий, Муҳаммад Шоҳмурод Котиб, Муҳаммад Усмон Котиб, Шоҳ Ислоом Котиб, Сирожиддин Маҳдум Сидқий каби номдор хаттотлар бор⁵.

Хуллас, Шарқ халқларининг бадиий даҳоси бошқа соҳалар қатори хаттотлик санъатида ҳам юксак инъикосини топди. Шунга кўра, араб ёзувидаги ҳуснихат санъати, китобат хаттотлиги катта тарихий такомил йўлини босиб ўтди ва миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланди. Ўтмишдаги юзлаб қилқалам соҳибларининг бетақрор санъатини бугунги ворислар давом эттиришмоқда.

Салимжон СОБИРЖОН ўғли,
хаттот, Тошкент шаҳри

Муаллиф ҳақида

Салимжон Собиржон ўғли 1942 йили туғилган. 1970 йили Тошкент Давлат университети филология факултетини тугатган. Шу даврдан бошлаб хаттотлик билан шуғулланади. 1995 йилдан Тошкент Давлат шарқшунослик институтида, Миср Араб Республикаси таълим марказида хаттотликдан дарс беради. Эски ўзбек ёзуви ва хаттотликка доир бир неча қўлланма ва рисоалари бор. Бутунжаҳон Ислоом тарихи, маданияти ва фани тадқиқот маркази томонидан Туркиянинг Истанбул шаҳрида ҳар уч йилда ўтказиладиган хаттотлик халқаро мусобақасида икки марта (2001, 2004) қатнашиб, совринга сазовор бўлган.

⁵ Абдулқодир Муродов. “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан”, Тошкент, “Фан”, 1971 йил.

Муҳаммадхон ҒОЗИЙ

Бул кунни дединг

* * *

Пок орзуим туну кун ишқингда бедор ўлсам,
Ҳар сония, ҳар дамда дийдоринга зор ўлсам,
Ҳақ Расулга бир уммат, икки дунё ёр ўлсам,
Мадад бериб, маъсият ботқоғидан халос эт.

Ёвуз нафсим ғорини тамбалаб ёпай дерман,
Рост йўлингдан айрилмай,
ризалик топай дерман.
Дўзахдан Ўзинг асра, жаннатга чопай дерман,
Мадад бериб, бу ғафлат кучоғидан халос эт.

Туну кун йиғлаюрман илтижо қилиб, Ғозий,
Қалбимни муҳаббатнинг дорига илиб, Ғозий,
Фам келса сабр қилсам ажрини билиб, Ғозий,
Мадад бериб, жаҳолат сиртмоғидан халос эт.

* * *

Сени суюб адо бўлмоқ истаيمان жуда,
Ишқда буюк гадо бўлмоқ истаيمان жуда,
Машраб каби фидо бўлмоқ истаيمان жуда,
Муҳаббатим, шукронимни ижобат қилгин...

Ожиз қулинг, бир гуноҳкор, осий бандангман,
Ҳой-ҳаваси янги-янги, қалби жандангман,
Нафс илкида хору тутқун бир шармандангман,
Тавба қилдим, ғуфронимни ижобат қилгин...

Қулинг Ғозий Расулинга уммат бўлай дер,
Хукм Сендан — хоҳ тирилай, хоҳи ўлай, дер.
Дийдорингни кўрай, боқий завққа тўлай, дер,
Дуоим, аҳд-паймонимни ижобат қилгин...



Машраб ғазалига мухаммас

Куёшимни ютибдир ғам,
борай нур деб қаён эмди,
Юрак — майса, меҳр топмас,
бўлурму хор-хазон эмди?
Соғинч мундоғ ёқар, ё Раб,
бу жонга йўқ омон эмди,

доим, охирни унутдинг



Кел, эй дилбар, юзинг очгил,
тасаддукдир бу жон эмди,
Фироқингда адо бўлди
куюб бу устухон эмди.

Кўриб Мажнун бу ҳолимни
уёлди ҳолидин ҳайрон,
Ҳажр тоғида оҳ урдим,
ки Фарҳод бўзлади гирён,
Жунун ортиб, кўнгил ҳар дам
кўчиб ҳар ён,
Нечук айлай биродарлар,
бўлибман зору саргардон,
Давосиз дардга учрабман,
ўларман бегумон эмди.



Бу кун айро тушиб
булбулидин гул боғ аро сўлғон,
Бу гулнинг зорини англай йўқ,
бедардларга жаҳон тўлғон,
Бу дунёнинг жафоси кўп,
вафоси йўқ, ўзи ёлғон,
Жаҳонда ҳеч киши борму
жудолиғдин адо бўлғон,
Етибдур ҳалқума жоним,
менга йўқ меҳрибон эмди.

Жафони ҳаддин ўткардинг,
кима айтай, кима йиғлай.
Юрак — қон, чеҳраи зардим
кима айтай, кима йиғлай,
Етибдур қатлима шартинг,
кима айтай, кима йиғлай.
Тушибдур кўнглима дардинг,
кима айтай, кима йиғлай,
Лаҳад ичра кетар бўлдим,
юроким тўла қон эмди.

Ичурман, эй алам-андуҳ,
ки захролуд шароб ўлдинг,
Кўриндинг ташна дилларга,
мисоли бир сароб ўлдинг,
Ғозиё, бори ғам бўлдинг,
адоқсиз изтироб ўлдинг,
Кел, эй Машраб, жудолиғ дардин
кўп шиквалар қилдинг,
Етибдур сенга бу навбат,
кетар яхши-ёмон эмди...



Бобур ғазалига мухаммас

Ул найзайи мижгон қани,
эй ёр, не бўлди?
Бул кўксима қалқон қани,
эй ёр, не бўлди?
Бир сўзки, нақди жон, қани,
эй ёр, не бўлди?
Ул аҳд ила паймон қани,
эй ёр, не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани,
эй ёр, не бўлди?

Бир телба кезар — ғами
ишқимдин демардинг ҳеч,
Куйдиму васлинг ғамида,
ғам емардинг ҳеч,
Келдим нолаю афгон ила,
бу ким, демардинг ҳеч,
Кетдим мени ҳайрон эшигингдин,
демардинг ҳеч:
Ул телбаи ҳайрон қани?
Эй ёр, не бўлди?

Дил боғига нур ганжини
жойламиш Аллоҳ,
Уммиди шифо бирла мудом
кездим-у, эвоҳ,
Дарди дилим не эрди фақат,
бўлмадинг огоҳ,
Жонимга даво сўзинг эди,
сўзламардинг, оҳ,
Жон дардига дармон қани,
эй ёр, не бўлди?

Аввалда бериб ваъда,
ҳозирни унутдинг,
Бул кунни дедим доим,
охирни унутдинг,
Васфингда Муҳаммаддек
моҳирни унутдинг,
Мундоқму эди аҳдки,
Бобурни унутдинг,
Ул аҳд ила паймон қани,
эй ёр, не бўлди?

АЛЛОҲНИНГ РАҲЪМАТИ



Сув Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган улугъ неъматидир. Сувсиз ер юзидаги ҳаётни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Уни “оби ҳаёт” (тириклик суви) деб бежиз аташмаган. Ер юзасининг учдан икки қисми сувдан иборат бўлишига қарамай, инсоният тоза сув муаммоси қаршисида азоб чекапти. Ушбу мақоламиз ана шу сув васфи ва унинг аҳамияти ҳақида...

Қуръони каримдан

“Сизлар ўзларингиз ичадиган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингларми ёки Биз ёғдиргувчимизми? Агар биз хоҳласак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?” (Воқеа, 68—70, мазмуни).

“У осмондан сизлар учун ичимлик бўлган сувни ёғдирган Зотдир. Сизлар (ҳайвонларингизни) боқадиган дов-дарахтлар (ўт-ўланлар) ҳам ўша (сувдан ичар). У зот сизлар учун ўша (сув) ёрдамида (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта, бу нарсада тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибрат бордир” (Наҳл, 10—11).

“Аллоҳ осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, унинг ёрдамида ўлик Ерни тирилтирди. Албатта, бу ишда (ваъз-насихатга) қулоқ тутадиган қавм учун оят-ибрат бордир” (Наҳл, 65).

“Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик” (Абаса, 25).

“Бу ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (ерлар), узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган-кетмаган хурмолар бўлиб, (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан суғорилур” (Раъд, 4).

“Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув (ёмғирларни) чиқарган Зотдир” (Иброҳим, 32).

“Кофир кимсалар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёғин ёғмас, Ердан эса бирон гиёҳ унмас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни (яъни, осмондан ёғин ёғдириб, Ердан гиёҳ ундирганимизни) ва сувдан барча жонли мавжудотни (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми? Энди ҳам (мана шундай далиллардан кейин ҳам) имон келтирмайдиларми?” (Анбиё, 30).

“У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку!” (Шуаро, 133—134).

“Бас, сиз Аллоҳнинг раҳмати — ёмғирнинг изларига қаранг — У қандай қилиб Ерни ўлганидан кейин тирилтирди-я?! (Рум, 50).

“Дарё-денгиз тенг бўлмас — буниси ширин-тотли ва ичилиши осон-ўтимли, униси эса шўр-тахирдир” (Фотир, 12).

“Яна биз у (Ер)да хурмозор ва узумзор боғларни (пайдо) қилдик ва унда булоқларни оқизиб қўйдик” (Ёсин, 34).

“Эй (Муҳаммад алайҳиссалом), Аллоҳ осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, уни Ердаги булоқлар — чашмалар қилиб оқизиб қўйганини кўрмадингизми? (Зумар, 21).

“Ўша Зот осмондан (аниқ) ўлчов билан сув-ёмғир ёғдирди” (Зухруф, 11).

Ҳадиси шарифдан

Ибн Аббосдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Туяга ўхшаб бир хўпламда ичманглар. Икки ва уч хўплам қилиб ичинглар. Ичаётганда: “Бисмиллаҳ” денглар. Ичиб бўлиб: “Алҳамдулиллаҳ” дея айтинглар» дедилар (Имом Термизий).

Абу Қатодадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: “Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) сув ичаётганда идиш ичида нафас олишдан қайтардилар” (Имом Бухорий ва Муслим).

Анас ибн Моликдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: “Расулulloҳ кишини тик туриб (сув) ичишдан қайтардилар” (Имом Муслим).

Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилинади. Расулulloҳ: “Алҳамдулиллаҳил-лазий аъямана ва сақоъана ва жаъалана минал муслимийн” (Бизларни овқатлантириб, ташналигимизни қондириб ва мусулмон қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин), деб айтардилар (Абу Довуд, Термизий).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Расулulloҳ агар бирор идишда сув ичсалар, (ичаётганларида) уч бора нафас олардилар. Ҳар нафасда Аллоҳга ҳамд айтиб, охирида шукр қилардилар” (Ибн Сунний).

Муҳим иқтибослар

Андрас ЗОЛЛОСИ-НАГИ, ЮНЕСКОнинг халқаро гидрология дастури директори:

“Сувга етишишни инсоннинг асосий ҳуқуқи деб ҳисоблаш керак. ЮНЕСКОнинг фикрича, сув оддийгина фойдаланиш неъматидир бўлиб қолмай, у умумий бойлигимиздир. Бироқ аҳоли сувни ишлатишни тартибга солиш билан етказиб берилган сув харажатларини қоплаши керак”.

Оврупа Иттифоқининг сувдан фойдаланиш соҳасидаги сиёсати дастуридан:

“Оврупа Иттифоқининг кўплаб фуқаролари тоза ичимлик сувидан керагидан ҳам кўпроқ фойдаланадилар ва бу оддий ҳол ҳисобланади. Аммо



уларнинг кўпчилиги инсон фаолияти сувнинг сифати ва ҳажмига таъсир кўрсатишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Уй хўжалиги, саноат ёки қишлоқ хўжалиги фаолияти натижасида ифлосланган ҳамма сув эртами-кечми яна атроф-муҳитга қайтади ва инсон соғлиғига, табиатга катта зарар етказиши мумкин.”

Риотаро ХАШИМОТО, Сув заҳиралари бўйича учинчи халқаро анжуман миллий тайёргарлик кўмитаси раиси:

“Ўтган аср охиридан бошлаб сув заҳираларининг ўта муҳимлиги ҳақидаги гапларни кўп эшитдик. Бугунги кунда шу нарса аниқки, йигирма биринчи асрда сув заҳираларига бўлган талаб ниҳоятда кўпаяди. Сув туфайли ҳарбий тўқнашувлар авжга чиқади, деган тахминлар бор. XXI асрни “сув юз йиллиги” деб аташ адолатли бўлур эди. Аммо мен бу асрни “Сув учун тўқнашувлар асри” деб аташларини хоҳламасдим...”

Кофи АННАН, БМТ Бош котиби:

“Сув тақчиллиги ва унинг ифлосланиши жуда хавфли касалликларни келтириб чиқаряпти, иқтисод ва қишлоқ хўжалиги ривожини тўхтатиб қўймоқда, экологик тизимга катта зарар етказмоқда. Бу ҳол бутун дунё аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни хавф остида қолдирапти”.

ИНСОН СУВДАН ЯРАЛГАН

Инсон танасининг каттагина қисмини сув ташкил этади. Янги туғилган чақалоқ оғирлигининг етмиш беш фоизи сувдан иборат. Эллик беш кило чиқадиган аёлнинг танасида ўттиз, етмиш килоли эркакда эса нақ қирқ беш литр сув бўлади. Энг кўп сувли аъзо мия ҳисобланади, унинг 84 фоизи сувдан иборат. Буйракда 83, юрак ва ўпкада 79, ичакларда 77, терида 72, жигарда 70 фоиз сув бор.

Сув инсон учун асосий қувват манбаи. Одам овқатсиз уч-тўрт ҳафтагача яшаши мумкин, аммо

сувсиз уч кунга ҳам чидаёлмайди. Киши танасидаги сув мутаносиблиги бузилганини дарров ҳис қилади. У вужудидаги сув бир-икки фоизга камайганида ташналик туяди. Беш-саккиз фоиз бўлса, оғзи қуруқшайди, териси бужмаяди, онги ўтмаслашади, кўзига ҳар хил нарсалар кўрина бошлайди. Танадаги сув миқдори ўн тўрт-ўн беш фоиз камайса, инсон ҳаётдан кўз юмади.

Катта ёшдаги одам бир кеча-кундузда икки ярим литр сув истеъмол қилиши керак. Бироқ шу вақт мобайнида овқат ҳазм қилиш йўли орқали тўққиз-ўн литр суюқлик кириб, шиллиқ пардаларга сўрилади. Ана шу суюқлик бир ярим литр сўлак, шунча ошқозон шарбати, уч литр ичак шарбати, 0,7 литр ошқозон ости беши суви ва ярим литр ўт шаклида кириб боради. Бир кеча-кундузда танадан икки-икки ярим литр сув чиқиб кетади. Унинг ўрнини қоплаш учун эса кунига шунча суюқлик ичиш керак. Демак, бир инсон олтмиш йиллик ҳаёти давомида тахминан эллик тонна сув истеъмол қилади.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Ер кураси аҳолиси бир кеча-кундузда етти миллиард кубометр сув истеъмол қилади. Лекин бундан сайёрамиздаги сувнинг умумий ҳажми асло камаймайди. Инсониятга сув тақчиллиги хавф солаётгани йўқ. Уни тоза ичимлик суви етишмаслиги муаммоси ташвишга солаётган. Сифатли ичимлик суви камлигидан жаҳонда йилига ўн милён киши вафот этяпти. Ифлосланган сув келтириб чиқарган касалликлардан эса, йилига беш милён чақалоқ нобуд бўляпти. Ичимлик суви етишмаслиги ёки унинг ифлослиги туфайли ярим миллиард одам касалликка чалинмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, барча касалликларнинг деярли саксон фоизига сабабчи сифатсиз ичимлик сувидир.

Ҳозир бир миллиард юз милён киши, яъни, жаҳон аҳолисининг олтидан бир қисми тоза ичимлик сувига муҳтож. Тўрт юз етмиш милён киши сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда яшайди. Яна йигирма йилдан сўнг сув етишмайдиган ўлкаларда яшовчи аҳолининг сони уч миллиардга етиши ёки олти баравар кўпайиши кутилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлардаги жами касалликларнинг саксон фоизи сув таъминоти ва оқова ҳайдашнинг талабга жавоб бермаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Бу ўлкаларда тўқсон фоиз оқин сув тозалашга муҳтож. Мутахассислар ҳисобича, дунё шифохоналаридаги ўринларнинг тенг ярмини нобоп сув истеъмоли туфайли оғриган бемор-

лар эгаллашган. Африқо ва Осиё аёллари оила эҳтиёжига яраша сув ташиб келиш учун ҳар кун ичирган олти чақирим йўл босишга ва йигирма килоли идишни бошларида кўтаришга мажбурлар. Ривожланаётган мамлакатлардаги шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми кўча сув сотувчиларидан бир неча баробар қимматига сув харид қилишга мажбурдир. Масалан, Кения пойтахти Найроби шаҳридаги Кибейра маҳалласи аҳолиси бир литр сув учун африқоликлардан беш баравар кўп ҳақ тўлайди.

Яна бир гап: ҳар йили Оврупада музқаймоқ учун 11 миллиард, маст қилувчи ичимликларга 105 миллиард, Оврупа ва АҚШда уйда боқиладиган ит, мушук каби ҳайвонлар емишига 17 миллиард доллар пул харжланади. Бу маблағ бутун ер юзи аҳолисини тоза сув билан таъминлаш ва етарли санитария-гигиена шароити яратиш учун зарур бўлган пулдан ўн баравар кўп. Ҳозир курамызда 2,4 миллиард аҳоли сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими фақат орзу бўлиб қолаётган минтақаларда яшаётган.

Қандай ва қанча

Бундан йигирма йиллар муқаддам ҳаммамиз жўмрақлардан, ҳатто ариқ-сойлардан бемалол сув ичаверар эдик. Ҳозир бундай қилишга кўрқамиз. Сувлар тобора ифлосланиб боряпти. Бунга инсонларнинг ўзлари айбдор. Бугун одамлар ҳатто қайнатилган сувни ичишдан ҳам чўчидиган бўлиб қолди. Идишда қадоклаб қўйилган сувдан фойдаланади ёки хонадонига тозалаш филтрларини ўрнатмоқда. Аммо булар ҳам тоза сув муаммосини ҳал эта олармикин?

Ҳозир жуда кўп жойларда бир пиёла сувда Менделеев даврий тизимидаги барча моддалар сузиб юрганини аниқлаш мумкин. Таркибида қалай, кадмий, симоб каби оғир металллар бўлган сувни истеъмол қилиш марказий асаб тизими, буйрак, жигар, юрак-томир тизимининг ишдан чиқишига, тери ва саратон касалликларига, туғма мажруҳликка сабаб бўлади. Вабо, ичтерлама, ичбуруғ ва бошқа юқумли хасталиклар ҳам ифлосланган ичимлик сувининг “маҳсули”дир. Бу хулосалар Русия ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ичимлик сувларига баб-баравар тегишли.

Тиббиёт фанлари номзоди Т.Яппонинг ёзишича, табиатдаги энг тоза сув ва фойдали сув қордан эриган ва ёмғир сувларидир. Таркибида калсий, магний, темир моддаси, углеводород ва олтингугурт тузлари кўп бўлган сувлар қаттиқ, ана шу моддалар кам бўлгани эса юмшоқ

ҳисобланади. Қаттиқ сувда сабзавот ва гўшт яхши пишмайди, чойнинг сифати ҳам бузилади. Бундай сувни овқатга ишлатиш у ёқда турсин, ювиниш ва кир ювишда фойдаланиш ҳам кўп ноқулайлик ва қийинчиликлар туғдиради. Қаттиқ сувни фақат қайнатиш йўли билангина юмшатиш мумкин.

Тоза сувнинг фойдаси ҳақида бир мисол: Япониянинг Окинава ороли аҳолиси умрбоқийлиги билан мамлакатдагина эмас, бутун дунёда етакчи ўринда. Профессор Кобаяси ўтказган тадқиқотларга кўра, бунга асосий сабаб оролдаги ичимлик сувнинг ўта сифатлилигидир. Орол фуқаролари Япониядаги ўртача кўрсаткичга қараганда ҳам ўн-ўн беш йил кўп яшашар экан. Чунки Окинава вилоятининг Нага шаҳридаги ичимлик сувида калсий миқдори жаҳонда энг юқори бўлиб чиқди. Профессорнинг фикрича, орол коралл қоялари устида бўлгани учун улар сувни филтрлаб, калсий зарралари билан тўйинтиришар экан. Бундай сув эса инсон танаси учун кони фойда экан. Боболаримизнинг тоғ-тошдан сакраб, пишиб келган сувнинг шифобахшлиги ҳақидаги гаплари мана шу ерда яна бир бор иботини топади.

Хўш, рисоладагидай яшаш учун қанча ва қандай сув ичган маъқул? Т. Япониянинг ҳисобича, олимлар сарф қилинган ҳар минг килокалорий кувват ҳисобига бир литр атрофида сув ичиш керак, дейишади. Шунда бир кеча-кундуздаги сув эҳтиёжи 2—2,5 литрга боради. Бундан кунига саккиз-ўн истаконлаб сув ичиш керак экан-да, деган хаёлга борманг: зарур суюқликнинг олтмиш фоизи танамизга асосан овқат билан киради. Лекин бу ўлчовлар ҳаммага бирдай тегишли эмас. Масалан, қаттиқ жисмоний меҳнат ва машғулот билан шуғулланиб, кўп терлайдиган касб соҳиблари — спортчилар, сайёҳлар, деҳқонлар, курувчилар бошқалардан кўпроқ сув истеъмол қилишлари керак. Баъзилар ўйлаганидай, совуқ ва қуруқ ҳавода сув кам ичилмайди, аксинча, одатдагидан кўпроқ суюқлик талаб қилинади. Бошқа вақтда сув тер билан чиқиб кетса, қиш ойларида у ўпкамиздан буг (ҳаво) ҳолида ҳам чиқади.

Шифокорлар эркакларга кўпроқ сув (суюқлик) ичишни тавсия этишмоқда. Чунки тана намлигини эркаклар аёллардан кўра кўпроқ йўқотишади. Амриқолик олимлар эллик минг эркакни текширувдан ўтказиб, кунига икки ярим литрдан сув ичган эркаклар сийдик халтаси саратон касаллигига кунига бир литр сув ичганлардан икки баробар кам чалинишганини аниқлашди. Сув, чой, қаҳва каби ичимликлар буйрак, жи-




гар, сийдик халтасида тош пайдо бўлишининг олдини олар экан. Аммо олма каби айрим мевалар шарбати, аксинча, тош пайдо бўлиш хавфини кучайтиради.

Мутахассис Надежда Василевна Гордиенконинг тавсиясига кўра, сувни ортиқча истеъмол қилиш ҳам яхши эмас. Танада сувнинг кўпайиб кетиши юрак-қон-томир тизимини зўриқтириб, кўп терлашга ва натижада тузлар чиқиб кетиб, организмнинг кучсизланиб қолишига сабаб бўлади.

Хуллас, бугунги кунда инсонлар, энг аввало, тоза сув ичиш, бунда меъёрга эътибор бериш ва шу йўл билан саломатликларини муҳофаза этишдек долзарб муаммо қаршисида туришибди. Му сулмонлар динимиз кўрсатмаларига амал қилиб, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва инсонларга ато этган тансиқ неъматини тоза сақлаш, тежаб ишлатиш ва истеъмолда меъёрларга риоя қилиш билан ҳар қачонгидай бошқаларга ибрат бўла оладилар. Сўзимизга Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) дуолари ила хотима ясаймиз: “Сувни Ўз раҳмати билан чучук қилиб қўйган, бизнинг гуноҳларимиз сабабли шўр ва аччиқ қилиб қўймаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!”

Интернет материаллари асосида
Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади.



Ҳазрати Усмон ибн Аффон (розийаллоху анху) даврида кўчирилган Қуръони карим нусхаси (Мусҳаффи Усмон)нинг юртимизга келиб қолиши ҳақида турли тахмин-фаразлар ва далиллар мавжуд. Атоқли олим шайх Исмоил Махдум Сотти Охунд Намангоний “Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи” асарида Мусҳафнинг Мовароуннаҳрга келтирилиши хусусида бир неча мулоҳазаларини билдирганлар. Тарихчи олим Ҳамид Зиёевнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мақоласи бу мавзуга бир ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

ҲАЗРАТИ УСМОН МУСҲАФИ ҚАЕРДАН КЕЛТИРИЛГАН?

XIII асрда Вўлга бўйларида ташкил топган ва ривожланган қудратли Олтин Ўрда давлатининг мўғул ҳукмдорлари бирин-кетин Ислом динини қабул қилганлар. Улар вақт ўтиши билан турклашиб, динимизни ривожлантириб бордилар. Улардан биринчи бўлиб Беркахон (1257 — 1266) мусулмон бўлган эди. Ҳатто у Бухорода бўлиб, таниқли дин пешволари билан суҳбатлашган. Беркахон ҳукмдорлик қилган вақтдан бошлаб, динимиз равнақи айрим хорижий мамлакатлар диққатини жалб этди. Хусусан, Олтин Ўрда давлати ташкил топган минтақадан Мисрға бориб, ҳокимиятни қўлга олган қипчоқлар (мамлуқлар) ўз она юрларида динимизнинг юксалишини зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олдилар. Натижада Беркахон билан Миср подшоҳи Байбарс ўртасида элчилик ва дўстлик алоқалари шаклланди. Мамлуқлар асл ватанларини қўмсаб, унинг равнақи учун имкони борича ёрдам бериш мақсадида Олтин Ўрда билан яқин алоқалар ўрнатишган. Байбарснинг элчи орқали Беркахонга юборган совғалари ҳам шундан далолат беради. Булар қуйидагилар эди: «Халифа Усмон (розийаллоху анху) кўрсатмасига кўра жамланган муқаддас Қуръон, ранг-баранг ёстиқлар, масжид гиламлари, Венетсия матолари ва Ливан либослари, теридан ишланган илгичли ва хом теридан ишланган гиламлар, нақшли калжур қиличлари, олтин суви берилган гурзилар, франк дубулғалари, катта шамдонлар,

Хоразм эгарлари, жойнамозлар, юганчалар — буларнинг ҳаммасига олтин ва кумушдан нақш чекилган, ҳалқали ёйлар, тош ёйлар, нефт солиб отиладиган ёйлар, қамиш ва ёғоч найзалар; сандиқларга солинган ёй ўқлари, қозонлар, олтин ва кумуш занжирли чироқлар, қоратанли малайлар ва оқсоч ошпазлар, учқур араб отлари ва Нубия туялари, тезюарар уй ҳайвонлари, маймунлар, тўтиқушлар ва бошқа турли буюмлар бор эди. Шунингдек, узунбўйин (жирафа), Миср эшаклари, Хитой кўзалари, Искандария кийимлари ҳам совғага қўшиб юборилган»¹.

Кўриниб турибдики, Миср подшоҳи, қандай бўлмасин, Беркахонни ўзига жалб этиш учун ниҳоятда қимматли, нодир нарсаларни юборган. Ҳатто Қуръони каримнинг асл нусхасини ҳам аямаган. Мана, ўша вақтдан буён кўп асрлар ўтди, лекин унинг қаердалиги ҳақида ҳеч гап йўқ. Менинг фикримча, Амир Темур Тўхтамишни мағлубиятга учратиб, пойтахтни эгаллаганидан кейин, ўша Қуръонни қўлга киритиб, Самарқандга олиб келган. Бунга далолат шундан иборатки, Соҳибқирон Қуръони каримни Мисрдан ҳам, Туркиядан ҳам олмаган. Шу боисдан ҳам Қуръон бу ерларда (яъни, Миср ва Туркияда. — Таҳр.) ҳамон сақланмоқда.

Ҳозирда унинг олти нусхасидан бештаси мавжуд, биттаси эса Мадинада масжидга ўт тушганида куйган экан. Мусҳафлар сонига қараб ҳисобланса ҳам Амир Темур уни Олтин Ўрдадан олган

ни маълум бўлади. Зеро, унинг иккитаси Мадина ва Маккада, иккитаси Миср ва Туркияда. Бешинчиси бизнинг юртимизда сақланмоқда. Шубҳасиз, Ҳазрати Усмон Мусҳафи тарихини ўрганиш шу билан узил-кесил ҳал этилди, дейиш қийин. У ўз тадқиқотчиларини ҳамон кутмоқда. Аммо ҳозирдаёқ мавжуд маълумотлар бу Мусҳаф Олтин Ўрдадан олинганини кўрсатади. XX аср бошларидаги текширувга кўра, Мусҳафнинг умумий ҳажми 68x53 см. ҳисобланиб, 353 варақдан иборат бўлган. Бу варақларнинг ялтироқ ва сарғиш рангдаги юз томони яхши сақланиб, уларнинг орқа бети салгина гижимланган, бир оз уринган каби кўринар эди.

Мусҳафнинг саҳифалари нам тортиши натижасида бирмунча шикастланган ва уларда қон доғлари бор эди. Унинг йиртиб олинган ёки қаттиқ шикастланган варақлари ўрнига 69 та териға ўхшаш қалин ва майин варақлар тикиб қўйилган. Бу варақлар пахтадан ишланган қоғозларга моҳирлик билан ишланиб, уларни Мусҳафнинг асл саҳифаларидан фарқлаш қийин эди.

«Туркестанские ведомости» газетида (1870 йил) берилган маълумотларда қуйидагиларни ўқиймиз: «Самарқанд мусулмонлари Усмон Мусҳафини «Каломи шариф» дейишади. Бу Қуръон учун умумий номдир. Бироқ Самарқанддаги мусулмонлардан бирортаси куфий хатида кўчирилган Қуръондан бир сатр ҳам ўқий олмадилар».

Россия Самарқандни босиб олганидан кейин, яъни, 1869 йили Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Хожа Аҳрор Валий масжидида Қуръоннинг ноёб нусхаси сақланаётганини эшитиб, полковник Серовга катта илмий аҳамиятга молик Қуръонни қўлдан чиқармаслик чорасини кўришни буюрди. Маълум бўлишича, мазкур ноёб нусха уруш вақтида беркитилиб, сўнгра яна Хожа Аҳрор Валий масжидига қўйилган экан. Ўрис ҳарбий маъмуриятининг унга бўлган қизиқишидан хабар топган бир гуруҳ руҳонийлар Қуръонни Бухорога олиб кетишни мўлжаллайдилар. Бироқ Мусҳафни генерал Абрамов Хожа Аҳрор Валий масжиди имомларидан 125 сўмга сотиб олади. Шундан сўнг Мусҳаф Самарқанддан Тошкентга келтирилади. Бир гал генерал-губернатор уни Бухородан келган Яҳё исмли элчига кўрсатганида, у шундай дейди: «Қуръоннинг бу асл нусхаси халифа Усмоннинг ўз қўли билан кўчирил-

ган ва саҳифаларида унинг қонидан доғлар бор. Бу Мусҳаф асл нусха бўлиб, кейинги даврларда ундан олинган кўчирмалар бутун мусулмон оламига тарқатилган. У Амир Темур кутубхонасида сақланган қадимий китобдир. У Соҳибқирон томонидан олиб келинган ва кутубхонанинг энг қимматбаҳо зийнати ҳисобланган»².

1869 йили Ҳазрати Усмон Мусҳафи Тошкентдан Петербургга олиб кетилиб, аввал халқ маорифи вазирлигига, сўнгра Санкт Петербургдаги Салтиков-Шедрин кутубхонасига берилади. 1873 йили Қашқардан Петербургга элчи бўлиб келган Тарғахўжа уни кўриб, бундай дейди: «Мен бу Қуръонни Самарқандда кўрганман. У халифа Усмон томонидан кўчиртирилган асл нусхадир. У ниҳоятда қимматлидир. Унинг саҳифасидаги доғлар Ҳазрати Усмоннинг қонидир».

Гувоҳларнинг кўрсатишича, Қашқар элчиси катта мамнуният ва эътиқод билан Қуръонни каримни кўзига сурган ва ўпган³. 1910 йили «Туркистон курйери» газетида босилган хабарга кўра, Петербург мусулмонлари машҳур Усмон Мусҳафи шу ерда қурилаётган масжид ихтиёрига берилишини ҳукуматдан илтимос қилишади. Бироқ бу илтимос инобатга олинмаган».

Ҳазрати Усмон Мусҳафини юртимизда сақлаб, ўз кўзимиз билан кўриб, ҳаёт кечирishi биз учун катта бахтдир. Бу Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродаси ва марҳаматидир.

Мусҳафни диёримизга олиб келиб, ҳурматини жойига қўйган Амир Темур бобомизни, динимиз равнақи учун хизмат қилган барча азизларни Аллоҳ раҳмат қилсин.

Ҳамид ЗИЁЕВ

¹ Ҳамид ЗИЁЕВ. «Тарих — келажак ва ўтмиш кўзгуси». Тошкент, 2000. 82-83-бетлар.

² Ҳамид ЗИЁЕВ. Ўша китоб. 84-бет.

³ «Московские ведомости», 1873, 195-сон.



НАФС ЖИЛОВЛАНМАСА, ИМОНГА ПУТУР ЕТАДИ

Имон ва нафс кураши

Мен кекса шифокор сифатида кўп кишиларни кўрдим, мулоқотда бўлдим, улар эришган натижа ва оқибатларни кузатдим. Доимо Аллоҳни унутмай, имон билан яшаган кишиларга ҳавасим келди. Бундай инсонларнинг ҳаёт тарзлари соғлом ва гўзал, турмушлари тинч ва осуда. Имонда гап кўп. Имонли кишида Аллоҳ таолога, одамларга, барча мавжудотларга меҳр-муҳаббат бўлакча ёлқинланиб туради.


Афсуски, инсонларда шифокор даволай олмайдиган бир маккор касаллик бор. Бу касаллик нафсга куликдир. У одамни хунук вазиятларга солади.

Инсондаги ўғрилик, зино, ҳасад, порохўрлик, ёлгончилик, амалпарастлик, ароқхўрлик, гиёҳвандлик, қиморбозлик, лаганбардорлик, мақтанчоқлик каби талай-талай ҳаром ишлар нафсга кулик натижасида келиб чиқади. Куръони каримда: **“Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда, ўз ҳавои нафсига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озганроқ ким бор?!”** (Қасос, 50, мазмуни) деб айтилган. Йўлдан озганлар Аллоҳни кам ўйлайдилар. Улар бирор иш қилсалар, мақтаниш учунгина қиладилар. Ҳолбуки, **“Аллоҳ мақтанчоқ кимсаларни суймас”** (Луқмон, 18). Дунё неъматларига ортиқча ҳирс қўйганлар елиб-югуриб бойлик, пул, мол тўплаш пайида бўлишади. **“У кунда (қиёматда) ўша (олтин-қумуш) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: “Мана бу ўзларингиз учун тўпланган нарсаларингиздир. Энди тўплаб — босган нарсала-**

рингизнинг мазасини татиб кўринглар (дейилур)” (Тавба, 35, мазмуни).

Қисқагина умримизнинг ҳар лаҳзаси имон ва нафс курашида ўтар экан, имонимиз нафсдан фолиб бўлиши учун ҳар нафас тавба, ихлос, тақво, фойдали илм, самимият каби фазилатлар соҳиби бўлишга интилоғимиз керак.

Замзам ҚУРБОНОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
Бағдод тумани



Қабристонда...

Баҳорнинг ўрталарида сафар қилишимга тўғри келди. Машинада теварак-атрофни кузатиб кетдим. Бир қишлоқнинг йўл ёқасидаги қаровсиз қабристонда беш-ўн қўй-қўзи қабрлар оралаб, ўт-ўланни чимдиб юрганини кўрдим. Қабристоннинг тўрт томони очиқ...

Шаҳарга яқинлашганимизда гуллаган дарахтларга кўзим тушди. Мевазор боғми, деб ўйлабман. Қатор қабрлар ёнига мевали дарахтлар экилган экан...

Қабристонда ўсган ўт-ўланни юлиш, ундаги дарахтлар мевасини ейиш макруҳ саналади. Икки жойда ҳам бунга риоя қилинмабди. Бу ҳам билимсизлигимизнинг кўриниши, дастурни, меъёрни билмаслигимиз оқибати. Баъзи калтаўй кишилар: “Макруҳинг нимаси? Қабристон боғдай бўлибди, буям маданият белгиси, ундаги мевадан ейиладими, ўт-ўлан юлинидами, соғлигимизга зарари етмаса бўлдида”, дейиши ҳам мумкин...

Астаффируллоҳ... Макруҳ ҳаромга яқин дегани-ку. Ҳаром эса, инсон ҳаётига жуда катта зарари борлиги учун Аллоҳ қўйган тақиқдир, қилманг, яқинлашманг, деб огоҳлантирган ишларидир. Олимларнинг аниқлашича, қабристондаги ўт-ўланлар ҳайвон ва паррандалар гўшти ва тухуми, шу жойда етиштирилган мева-савзавот, полиз маҳсулотлари танада радиоактив изотоплар, қўрғошин, симоб, полоний, олтин-гугуртни кўпайтирар, инсонни заҳарлаб, турли ирсий хасталикларга сабаб бўлар экан...

Тожи Муҳаммад ТЎЛАН ўғли,
Тошлоқ тумани

